*Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар—партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.*

*Ҳар бир фан ўқувчилар томонидан мукаммал ўзлаштирилишига компьютер катта кўмак бериши, шубҳасиз.*



# НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШДАГИ МУҲИМ ОМИЛ

Ҳар қандай жамият мустаҳкам оёққа туриб олиш йўлларини излайди, умуммувозанатга эришишнинг минг битта чора-тадбирини кўради, ислоҳотлар ўтказади. Уларнинг аксарият қисми жамият ва шахс манфаатлари уйғунлигига нечоғли эришилганлиги билан белгиланади. Мана шу уйғунликнинг моҳиятида кўп жиҳатдан "Фуқаро" тушунчаси мужассамланади. Биз фуқаро деганда, изоҳли луғатда зикр этилганидек, "бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси, граждaнлари"ни тушунишга одатланганмиз. Бироқ, фуқародан фуқаронинг фарқи бор, уларнинг сифат даражаси бор.

Бу жумла кимларнидир улуғлаш ва кимларнидир камситиш учун қўлланилмаяпти, зеро, ҳар бир киши ўзининг жамиятга нисбатан тутган ўрни нуқтаи назари ва умуман муносабатни бир тошу тарозига солиб кўрса, холис хулосани чиқариш қийин эмас. Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш катта аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Бу борадаги асосий вазифалар барча ҳокимият тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишларини кучайтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон айни пайтда мустақил, суверен давлат сифатида энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзосидир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимки, демократик сиёсий тизимнинг энг муҳим субъекти бўлмиш давлатчиликни ислоҳ қилишда сиёсий институтларнинг ва нодавлат ижтимоий уюшмаларининг хилма-хиллиги ҳамда уларнинг роли мустаҳкамланиши шунингдек, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш асосида жамият ҳаётининг янада демократиялаш вазифалари муҳим ва долзарбдир.

Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар—партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро ғоя ва қарашларини рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳуқуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилади.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Республикамизда жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1999 йилгача 2300 га етган эди, ҳозирги кунга келиб бу кўрсаткич янада юқоридир. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фуқаролик жамиятини қуришдаги муҳим омилдир. Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад — жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш билан белгиланади.

**Рустам ХУДОЙНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинги институти етакчи илмий ходими, ҳуқуқшунос**

*Яқинда Самарқанддаги Ёш техниклар ижодиёти марказида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 10 йиллигига бағишлаб "Конституциямиз — бахтимиз пойдевори" кўрик-танлови бўлиб ўтди.*

*Танловда 18 та туман ХТБларидан 190 нафар ўқувчи ва Темирйўл туманидаги ўқувчилар қатнашдилар. Танлов иштирокчилари 3 йўналиш бўйича беллашишди. Конституциямиз мазмун-моҳиятини иншоларда ифодалаш йўналишида Пайариқ туманидаги 6-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Г.Маҳмудова ёзган иншо биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўринни Темирйўл туманидаги 64-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси М.Ахророва ёзган иншо эгаллади. Жомбой туманидаги 56-умумтаълим*

## КОНСТИТУЦИЯНИ КИМ ҚАНЧАЛИК БИЛАДИ?

*мактабининг 11-синф ўқувчиси Н.Асророва ёзган иншоси билан учинчи ўрин соҳибаси бўлди.*

*Танловнинг иккинчи йўналишида Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини баён орқали ифодалаш зарур эди. Бу йўналишда Пастдарғом туманидаги 28-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Н.Садинованинг ёзган баёни биринчи ўринга муносиб кўрилди. Оқдарё туманидаги 45-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси С.Толипованинг ёзган баёни иккинчи, Тайлоқ туманидаги 30-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Ш.Амановaнинг баёни учинчи ўринга лойиқ деб топилди.*

*Конституциянинг мазмун-моҳиятини энг яхши тасвирий воситалар орқали ифодалаш йўналишида Тайлоқ туманидаги 30-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Ёрқин Эшонқулов ғолибликни қўлга киритди. Темирйўл туманидаги 64-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Н.Багиров иккинчи, Сиёб туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Ж.Аҳмаджонов учинчи ўринни эгаллади.*

*Танловнинг сўнгги йўналиши Конституциянинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, уларга пухта билим бериш, тарғиб қилиш, безаш йўналишида юқори натижаларга эришган мактаб жамоаси деб Темирйўл туманидаги 64-умумтаълим мактаби топилди.*

*Танловда биринчи ўринни эгаллаган ўқувчилар Республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.*

**Н.ШЕРБОЕВА**

Tanlov

## "ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ..."



**Хабарингиз бўлса, республика Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, "Устоз" республика жамғармаси томонидан "Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифлари" ҳамда "Йилнинг энг яхши маъруза матни" республика танловлари, унинг якунлари матбуотда эълон қилинганди. Яқинда ана шу танловлар ғолиблари муносиб тақдирландилар. Улар орасида "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси", "Йилнинг энг яхши мураббийси", "Йилнинг энг яхши илмий раҳбари" республика танловларининг ғолиблари ҳам бор.**

**"Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифлари" танловида умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва олий таълим учун яратилаётган янги ўқув адабиётларининг 600 дан ортиғи иштирок этиб, уларнинг 99 таси ғолиб чиқди. "Йилнинг энг яхши маъруза матни" танловига эса 294 номдаги маъруза матнлари келиб тушди ва уларнинг 11 таси ғолиб деб топилди. Шуниси диққатга сазоворки, совриндорларга ишлаётган таълим муассасасида "Хизмат кўрсатган ўқитувчи", "Хизмат кўрсатган доцент", ҳамда "Хизмат кўрсатган профессор" унвонларининг берилиши ҳам йўлга қўйилган. Ғолиб чиққанларга накд пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар ва дипломлар тақдим этилди. Уни Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С. Ғуломов тантанали тарзда байрам дастурхони атрофида топширди.**

**Беш йилдан буён анъанавий равишда ўтказиб келинаётган мазкур танловлар Вазирлар Маҳкамасининг "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорининг бажарилаётганидан далолатдир.**

**Қувонарлиси шуки, таҳририятимиз ҳайъати аъзоси, Тошкент Давлат педиатрия-тиббиёт институти профессори Жуманазар Бекназаров (суратда) ҳам "Йилнинг энг яхши илмий раҳбари" республика танловидан совринли ўринни эгаллади. Биз барча қатори Ж.Бекназаровни ҳам ушбу ютуқ билан чин дилдан қутлаймиз.**

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**"Маърифат" мухбири**

## Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

***Самарқанд вилояти Иштихон туманида яшовчи С.Қўчқоровдан савол: Мен нафақага чиққанимдан сўнг ҳам 2,5 йил узлуксиз ишладим. Бу иш стажимга кирадими?***

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги Қонуннинг 37-моддасига биноан сизнинг ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишлаган вақтингиз пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди.

**М.Юсупов, Андижон вилояти. САВОЛ: Психологларнинг иш ҳақларини ҳисоблаб чиқиш ва разрядларини белгилаш бўйича сўнгги кўрсатма қандай?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги 358-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 1998 йил 23 июнда 03-40/Т3-сонли хати билан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларига умумтаълим мактабларидаги педагог ходимлар, шу жумладан психологлар иш ҳақлари ва разрядлари ҳақида маълумот берган. Унда психологларга 7-16 та синфлар сони учун 0,5 ставка ҳамда 17-30 гача ва ундан ортиқ синфлар сони учун 1 ставка миқдорида ҳақ белгиланган.

**Тошкент Давлат санъат институти талабаси Н.Атабоевдан. Савол: Мен 2001 йили Тошкент давлат санъат институтининг "Театр санъати" факультети драматика бўлимига контракт асосида ўқишга қабул қилиндим ва 1-курсни тугатиб 2-курсга ўтдим. Оилавий шароитим туфайли ҳужжатларимни қайтариб олиб яна юқоридаги факультетга грант асосида ўқишга кирдим. Грант асосида 2-курсда ўқишим мумкинми?**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг талабаларнинг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш ҳақидаги 1999 йил 24 июлдаги 3-сонли Низоми асосида Сиз 2-курсни контракт асосида ёки 1-курсни грант асосида давом эттиришингиз мумкин.

**Й.АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси бош мутахассиси**

# КОМПЬЮТЕРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЯПМИЗМИ?

Qaror va ijro

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

ни кўз қорачиғидай, қўл ҳам теккизмасдан сақлаяпмиз.

Очиғи жаҳлим чиқди, бу қанақаси? — дея сўзини давом эттирди ректор. — Домлага эса биргина сўз айта олдим, холос: "Эсиз, компьютернинг умрини беҳуда кетказибсиз. Шу пайтга қадар, уни юзлаб болалар ўзлаштириб олган бўлардилар. Бу шундай матоҳки, бугун фойдаланилмаса, эртага эскиради. Бугунги



кун ёшлари учун янгилик бўлган компьютер, эртанги авлод учун қизиқ мўъжиза эмас, албатта".

Хўш, бугунги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари мутасаддилари компьютерлаштириш жараёнига қандай ёндашмоқдалар? Бу соҳада талабалар етарли даражада билим ва салоҳиятга эга бўлаяптиларми?

### КОМПЬЮТЕРНИ ЎРГАНИШ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 2001 йилнинг май ойида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг V сессиясида нутқ сўзлаб, компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга, мактаблар ва олий ўқув юртлари дастурларига, одамларнинг кундалик турмушига жорий этиш бўйича Ўзбекистоннинг юксак даражаларга эришиши юзасидан аниқ вазифалар қўйди. Шунингдек, жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун 2002 йилнинг 30 майида Президентимизнинг "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармонда ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши юзасидан муҳим вазифалар белгиланган. Бу эса жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширади. Фармонни бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳам алоҳида қарор қабул қилинди. Ушбу қарорда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди. Ихтисослаштирилган олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида ва академик лицейларда дастурий воситаларни, маълумотларнинг ахборот базалари, мультимедиалар яратиш, компьютер техникасини ишлаб чиқиш уларга хизмат кўрсатиш бўйича юқори малакали мутахассислар, техник ходимларни тайёрлашни кенгайтириш режалаштирилган. Айни пайтда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ана шу қарорда белгиланган вазифаларни бажариш борасида талай ишлар бажарилмоқда.

Хусусан, пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида бўлиб, шу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

### КОЛЛЕЖ ЎҚУВ ТИЗИМИДА КОМПЬЮТЕРНИНГ ЎРНИ

Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи 2000 йилда фаолиятини бошлаган. Ўқув юртида айни пайтда 1225 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 9 та йўналиш (наққошлик, ўймакорлик, заргарлик, тикувчилик, ҳисобчилик, чилангарлик, газ таъминоти мутахассиси ва ҳоказо) бўйича 55 нафар олий маълумотга эга ўқитувчи, 40 нафардан зиёд педагог-муҳандис сабоқ бермоқда. Коллежда 48 та гуруҳ бўлиб, шулардан 2 тасида заргарлик ва ҳисобчилик мутахассисликлари бўйича 20 нафар талаба шартнома асосида ўқитилмоқда. Уларга асосан махсус фанлардан чуқурлаштирилган ҳолда дарс берилмоқда.

— Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан коллежимизда махсус буйруқ қабул қилинган, — дейди коллеж раҳбари Ҳасан Йўлдошев. — Унга асосан компьютерларни ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича махсус гуруҳ тузилди. Ушбу гуруҳ томонидан ҳозирда коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари маълумотлар ахборот базаларини, веб-сайтлар ва бошқа дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш бўйича тадбирларда иштирок этмоқда. Коллеж талабалари республика миқёсида ўтказилаётган интернет-фестиваллари, интернет-форумларида фаол қатнашишяпти. Бундан ташқари, ахборот, сервис ва консалтинг хизматлари кўрсатиш ишлари йўлга қўйилган. Дастурий воситалар, маълумотларнинг ахборот базалари, мультимедиа, ҳамда компьютер дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Коллеж ахборот инфратузилмаси шакллантирилди. Ўқитувчиларни компьютер ва ахборот технологиялари билан ишлаш юзасидан кенг кўламда ўқитиш ишлари олиб боришмоқда. Кўпгина ўқитувчилар компьютердан илмий-методик мақсадларда, электрон дарслик, ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланмоқдалар.

Маълумки, электрон ўқув адабиётларининг имкониятлари чексиз. У билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган. Узлуксиз таълим тизимида фан ва технологияларнинг ривожланиши сари мазмуни тез ўзгарувчан, чуқурлаштириб ўқитиладиган, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича асосан кам ададли ўқув адабиётлари тайёрланади.

Электрон ўқув адабиётлари замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба. У компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарадор ўзлаштирилишига мўлжалланган. Унда ўқув ва илмий материаллар матн шаклида бўлади.

Мана шу жиҳатларни ўқитувчиларга тушунтириш бу борадаги ишларни жадаллаштиришни муҳим омили бўлмоқда. Айн пайтда касб-ҳунар коллежидаги мавжуд иккита компьютер синф хонасининг ҳар бирида 13 тадан замонавий турдаги компьютер ускуналари жойлаштирилган. Ҳар бир синф хонасида бир кунда 100 нафарга яқин талаба компьютер бўйича сабоқ олиш имкониятига эга. Бундан ташқари, коллежимиз кутубхонасида 10 та компьютер жойлаштирилган бўлиб, талабалар дарсдан сўнг, улардан топшириқларни бажаришда фойдаланадилар: маъруза матнларини ўқийдилар, қўшимча ахборот манбалари тўплайдилар, виртуал кутубхона адабиётларини мутолаа қиладилар, ҳамда Интернетда ишлаш маҳоратларини оширадилар. 11 минг адабиёт фондини ўзида мужассам этган кутубхонадан ҳар куни 60 нафар талаба фойдаланади. Ундаги компьютерларда 20 дан ортиқ электрон қўлланмалари жойлаштирилган.

Ҳар бир фан ўқувчилар томонидан мукаммал ўзлаштирилишига компьютер катта кўмак бериши, шубҳасиз. Шу боис, махсус ихтисослаштирилган ўқув хоналари — тикувчилик, кимё, физика, биология, лингофон хоналарида компьютер жойлаштирилган бўлиб, унинг имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Чунончи, кимё, физика, биология, лингофон хоналаридаги мавжуд компьютерлардан шу фанларга оид электрон дарслик ва махсус қурилмаларни бошқарувчи дастурлардан фойдаланилса, тикувчилик хонасига Германиядан келтирилган замонавий Bernetta, Artista, SPS компьютер дастурлари орқали "Зингер" тикув машиналарининг кенг имкониятларидан тўла фойдаланиш мумкин. Бунинг учун аввало компьютерда маълум бир маҳсулотнинг график тасвири чизилиб, компьютер базасига юборишади. Мана шу тасвирга асосан тикув машинаси ҳаракатланади ва бир-биридан чиройли кўйлаклар тикилади.

### ЎҚУВЧИ КОМПЬЮТЕРНИ ҚАНДАЙ ЎЗЛАШТИРМОҚДА?

Илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация тиизмлари воситалари кенг жорий этилган жамиятда турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчилар олдига уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда. Бугунги замонавий коллеж талабалари компьютерларда ишлашни қай даражада ўзлаштирмоқдалар?

— Компьютер бу бир жонсиз восита холос, — дейди коллеж информатика ўқитувчиларидан бири Қобул Ҳоликов. — Ундан ўқувчилар кенг миқёсда билим олишда, ўз соҳалари бўйича энг сўнгги ахборотлар, маълумотларни йиғиш, ва уларни амалиётга жорий қилишда фойдалана билиши муҳимдир. Шу боис, ўқувчиларимиз учун бу борадаги етарли имкониятларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Кутубхонага компьютер жиҳозлари жойлаштириб, у ерда талабалар Интернет тармоғига эркин уланиб, унлан ўзлари учун арур бўлган ахборотлар, керакли бўлан адабиётларни топиб, машғулотларга тайёргарлик кўрмоқдадар.

1-курс, 40-гуруҳ ўқувчиси Мухтасар Камолова бу ҳақда шундай дейди:

— Мен коллежда асосан тикувчилик мутахассислиги бўйича сабоқ оламан. Бугунги замонавий тикув машиналари тўлақонли компьютерлаштирилган десам, асло муболаға бўлмайди. Гарчи, коллежда ўқишни бошлаганимга кўп вақт бўлмаган бўлса-да, тез орада компьютернинг кўпгина бошланғич дастурларини ўзлаштириб олдим. Дастурлардан фойдаланишда уларнинг тилини билиш, қурилмалардан фойдаланиш, принтер, модемларни ишлата олиш муҳим аҳамиятга эга. Бироқ бундай имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш учун инглиз тилини мукаммал ўзлаштириш лозим бўлади. Шу боис, коллежимизда компьютер билан бирга, инглиз тили ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилмоқда.

Компьютер саводхонлиги машғулотлари бир ҳафтада икки маротаба ўтказилади, — дейди коллеж 1-курс ўқувчиси Саодат Сотволдиева. — Бизга Қобул ака Ҳолиқов, Самариддин ака Турсунов, Наргиза опа Тўлагановалар катта ёрдам бермоқдалар. Компьютернинг имкониятлари чексиз, ундан ҳар бир соҳада исталганча фойдаланиш мумкин. Чунончи, биз эгалламоқчи бўлган тикувчилик соҳасида ҳам компьютерни қўллаш мумкин. Мен тикувчиликни компьютер ёрдамида ўрганишга ҳаракат қилаяпман. Чунки, бу соҳада ҳам компьютердан фойдаланиб, кўп ишларни бажариш мумкин. Дунёнинг забардаст компьютер дастурлари ихтирочилари бу соҳада юзлаб дастурлар яратган бўлиб, бугунги кунда улар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Мен ўнлаб дастурлар асосида янги-янги моделларни кашф қилгим келади. Мамлакатимиз саноат корхоналари амалиётида кенг қўлланилаётган кийим ишлаб чиқариш технологияларига янгиликлар киритиб, уларни чет давлатларга экспорт қилиш имкониятлари, хорижликларга намойиш қилиш йўллари хусусида ҳам ўйлаш керак. Бу борада жаҳон модельерларининг энг сўнгги янгиликларидан Интернет орқали бохабар бўлиб бориш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Педагог-муҳандис Наима Тиллаева:

— Коллежимиз тикувчилик ўқув амалиёти хонаси 12 та, назарий машғулотлар хонаси эса 15 та Германиянинг энг замонавий "SINGER-Bernetta" тикув машиналари билан жиҳозланган. Ушбу тикув машиналари 22 та компьютер дастури ёрдамида бошқарилади. Дастурлар ўтган йили коллежимизда "SINGER" компанияси томонидан ўтказилган семинар якунида инъом қилинган. Улар орқали матоларга гул, зардўз босиш, уларнинг чокларини бежирим тикиш имкониятларини беради.

Коллежимизда тайёрланаётган замонавий мутахассисларни иш билан таъминлашда пойтахтимиздаги "Қизил тонг", "Юлдуз", "Малика" акциядорлик жамиятлари билан 2005 йилга қадар ҳамкорлик шартномаси имзоланган, — дейди касб-ҳунар таълими бўйича раҳбар муовини Аминжон Мавлонов. — Талабаларимизнинг мана шу корхоналарга доимий экскурсиялари уюштирилмоқда. У ердаги мавжуд дастгоҳлар билан таништирилмоқда. Бироқ, айтиш лозимки, мавжуд корхоналардаги дастгоҳларнинг эскирганлиги талабаларнинг ўз билимларидан тўлақонли фойдаланишлари учун имкон бермаяпти. Келгусида ушбу корхоналар фаолияти ривожланса, тайёрланаётган мутахассисларни иш билан таъминлаш давлатимизнинг устувор сиёсатидир.

### МУЛЬТИМЕДИА ЯРАТМОҚЧИМАН

Дилшод Каримов коллежнинг 2-курсида архитектура-наққошлик гуруҳида таҳсил олади. У коллеж талабалари ўртасида компьютерда ажойиб лойиҳалар тайёрлаш қобилияти билан донг таратган: — Биз ўрганаётган архитектура ва наққошлик йўналишлари бўйича компьютернинг минглаб дастурлари мавжуд ва айни пайтда бу турдаги дастурлар мамлакатимизга ҳам келтирилди. Ҳозир ўқиш жараёнида Corel DRAW, Photoshop, BIMAX сингари дастурлардан фойдаланишни ўрганаяпмиз. Уларни ўзлаштиришимиз учун махсус ихтисослаштирилган фанлар ўқув дастурига киритилган. Шунингдек, компьютер дастурларини мукаммал ўзлаштириш учун кутубхонадаги мавжуд қўшимча адабиётлар ва электрон дарсликлардан фойдаланаяпмиз.

Айни пайтда компьютер графикаси фанини ўрганаяпмиз. Бунда асосан MAX, AvtoCAT дастурларини яхши билиш талаб қилинади. Ушбу дастурлар орқали турли графиклар яратиш билан бирга, жонли натюрмортларни ҳам акс эттириш имкониятлари мавжуд. Бу дастур анча мураккаб бўлиб, унинг ҳар бир функцияларни бажарувчи топшириқлари инглиз тилида белгиланган. Шунинг учун ўқиш жараёнида инглиз тилини ҳам мукаммал ўзлаштириб бориш фойдадан ҳоли бўлмайди, албатта.

Коллежимизда бир қанча мультимедиалар бўлиб, (улардан фойдаланишнинг афзалликларини ўрганган ҳолда, мен ҳам шундай мультимедиа дастурлари, электрон адабиётлар яратишга иштиёқим ортди. Мультимедиа — бу "кўп ахборотли" қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал шаклда бўлади. Келгусида биноларнинг турли лойиҳаларини тузиш, унинг ички ва ташқи дизайнларини тасвирда акс эттирган мультимедиаларни яратиш умидидаман.

Шу ўринда бир таклифим бор эди. Яқинда газета орқали Ўзбекистон Миллий Университетида янги компьютер лингвистикаси факультети очилганлиги тўғрисидаги хабарни ўқиб қолдим. Мана шундай факультет бизнинг коллежимизда ҳам ташкил қилинишини биз ўқувчилар жуда-жуда хоҳлардик.

***

Коллеждан қайтар эканмиз, бу ерда билим олаётган талаба ёшларнинг замонавий технологик янгиликларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишлари бизни бир эътирофга ундади: компьютерни мукаммал билган ёш кадр келгусидаги иш фаолиятида умуман қоқилмайди, панд ҳам емайди.

**Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**
**Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар**



# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ЮКСАЛМОҚДА

## Бу ўзбекистонлик талабаларнинг илк маротаба жаҳон чемпионатидаги иштирокида яна бир карра исботланди



*Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикамизда устувор ўринни эгалламоқда. Иқтидорли ёшлар иштирокида Интернет фестиваллари ва форумлари ўтказилаяпти. Турли чекка шаҳар ва қишлоқларимизда ҳам Интернет тармоқларидан жамоа бўлиб фойдаланиш марказлари сони тобора ортиб, ахборот хизматларининг турлари сезиларли даражада кенгаймоқда.*

*Куни кеча Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган компьютерда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати ҳам компьютер хизматлари бозори учун малакали кадрларни тайёрлаш, республикамизда компьютер дастурлари бўйича муаллифлар мактабини шакллантиришда алоҳида ўрин тутади.*

*Шу ўринда қисқача бу йўналишдаги жаҳон чемпионати хусусида. Талабалар орасида ўтказилаётган дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати (ACM International Colligate Programming Contest) компьютер оламида ўзига хос салмоқли ўринга эга бўлган CAM — Association for Computer Machinery («The First Society in Computing») ташкилотчилигида 1977 йилдан буён ўтказилмоқда. Бу мусобақалар дунё компьютер ҳамжамиятида ёш компьютер дастурчилари ўртасида ўтказиладиган энг нуфузли мусобақалардан ҳисобланади.*

*Таъкидлаш жоиз, мазкур жаҳон чемпионатида бу йил нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ҳам илк бор иштирок этмоқда. Қувончлиси, Ўзбекистон ушбу чемпионатни Марказий Осиё ҳудудида ташкиллаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи мамлакат, яъни Европа шимоли-шарқий ҳудуди — Middle Asia гуруҳлари ўртасидаги мусобақалар ташкилотчиси этиб белгиланди. Бу ҳам бўлса, давлатимиздаги мавжуд мутахассислар билими ва салоҳиятига берилган баҳо, албатта. Бунга чемпионатнинг Европа шимоли-шарқий ҳудуди бўйича CAM ICPC ярим финал ташкилий қўмитаси кўмагида ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси натижасида эришилди.*

*Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда чемпионат оммавийлик касб этмоқда ва кўпгина давлатларнинг шу соҳадаги мутахассисларини ўзига чорлаяпти. 2000/2001 ўқув йилида Ямайка оролларида 24-чемпионат ўтказилиб, унда жаҳоннинг 70 та мамлакатидан 1000 дан ортиқ олий ўқув юртларининг 2000 тача жамоалари иштирок этди. 20 йилдан ортиқ давр мобайнида ўтказилаётган анъанавий жаҳон чемпионати тарихий қоидаларга амал қилинган ҳолда ташкиллаштирилади. Унга асосан 3 кишидан иборат жамоага 1 дона компьютер берилади ва 5 соат мобайнида берилган 6 тадан 8 тагача алгоритмик топшириқни бажариш лозим. Шу вақт оралиғида энг кўп топшириқни мукаммал ва ўзига хос янги усулда еча олган жамоа ғолиб ҳисобланади. Агар иккита ғолиб жамоа аниқланса, унда шунча миқдордаги топшириқни бажаришга энг кам вақт сарфлаган жамоа ғолиб деб эълон қилинади. Топшириқдаги вазифалар инглиз тилида баён қилинган.*

*Жаҳон чемпионатини ташкил этиш тизими 3 босқичдан иборат: чорак финал, ярим финал ва финал мусобақалари. 2000/2001 ўқув йилидаги ярим финал мусобақаларида барча минтақаларнинг олий таълим муассасалари 28 та ҳудудий гуруҳларда беллашишди.*

*Мусобақа ташкилотчиларидан бири, Тошкент ахборот технологиялари университети проректори Омон Абдуҳамидов қуйидагиларни гапириб берди:*

*— Мамлакатимизда ўтказилаётган бу йилги чорак финал мусобақаларини ўтказишда университетимиз мезбон бўлди. Жамоаларга ташкилий масалалар бўйича, техникавий ва компьютер таъминоти ҳамда юқори тезликдаги алоқа каналларидан фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бевосита кўмак берди. Мусобақанинг 9 кишидан иборат ташкилий қўмитаси тузилган бўлиб, унга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника, иқтисодиёт, ахборот технологиялари университетлари, Стратегик ва минтақалараро муаммолар институти, ҳамда Фан ва технология марказидан вакиллар жалб этилган. Юртимиз талаба-ёшлари учун янги бўлган жаҳон чемпионатида 15 та олий ўқув муассасасининг 33 та жамоаси иштирок этди.*

**Tafsilot**

*Жаҳон чемпионатида мамлакатимиз талабаларининг иштироки қандай аҳамиятга эга, деган савол туғилиши табиий. Бизда тайёрланаётган мутахассислар унинг кучли талабларига жавоб бера оладиларми? Бу саволга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мутасаддиларидан бири Абдушукур Абдуллаев шундай жавоб берди:*

*— Мамлакатимиз талабалари мусобақа жараёнида ўзларининг нималарга қодир эканлигини кўрсата олдилар. Тўғри, илк бор ўтказилаётган мусобақа бу талаба-ёшлар учун синов вазифасини ҳам ўташи мумкин. Умуман олганда, республикамизда ёшлар орасида ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан қизиқиш кун сайин ортиб бормоқда. Компьютер синфлари, Интернет-кафелар талаба-ўқувчилар билан гавжумлашиб бормоқда. Бунда энг муҳим вазифалардан бири — қобилиятли ва иқтидорли ёшларни аниқлаш, улар билан алоҳида, индивидуал тарзда ишлашни ташкил этишдир. Шу нарсани айтиш лозимки, республикамиздаги илк танлов ўта қисқа муддатда ташкил қилинди. Шу боис, унга талабаларимизнинг тайёргарлик даражаси у қадар кўнгилдагидек бўлмаган бўлиши мумкин. Бироқ, биз умид қиламизки, талабаларимизнинг якуний баҳоларига кўра энг камида иккита жамоа ярим финалда иштирок этиши лозим.*

*Мусобақага талабаларимизни тайёрлаш бўйича менда айрим таклифлар бор. Компьютер мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган талабаларга жаҳон чемпионатининг ўтган йиллардаги берилган топшириқларини ўқув жараёнида ҳал қилиш йўлларини чуқур ва мукаммал ўргатиб бориш, шу орқали уларни чемпионат ўйинларига тайёрлаш фойдадан ҳоли бўлмас эди.*

*Мусобақаларнинг чорак финал учрашувлари барча МДҲ мамлакатларида якунлангач, Россия Федерациясининг Санкт Петербург ва Барнаул шаҳарларида чемпионатнинг ярим финал учрашувлари бўлиб ўтади ва унда МДҲ доирасидаги давлатлар вакиллар иштирок этадилар. Ушбу турда ғолиб деб топилган жамоалар эса 2003 йилнинг март ойида Ямайка оролларида ўтказиладиган финал учрашувида қатнашиш бахтига муяссар бўладилар.*

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Ахборот технологиялари бўйича энг яхши маҳсулот" мавзусида республика танловини ҳам ўтказишни режалаштирмоқда. Танлов ташкилотчилари — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда республикада компьютерлаштиришни ривожлантириш "Ўзинформ" марказидир. Бундан ташқари, Ҳиндистон элчихонаси, "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси, Саркор-Телеком, Инфонет интернет провайдерлари, SIEMENS, "ABL-Soft", ASBT сингари компаниялар ҳам ҳомий сифатида иштирок этадилар.*

*Мазкур танловни ўтказиш шу йилнинг декабрь ойига режалаштирилган бўлиб, унда барча таълим муассасаларининг талабалари, ўқувчилари, ўқитувчи ва техник ходимлари иштирок этишлари мумкин. Танлов ғолиблари учун қимматбаҳо буюмлар, Интернетда ишлаш, чет элда бепул ўқиб келиш учун имтиёзлар кўзда тутилган. Шундай экан, имкониятни бой бермай, унга бугунданоқ тайёргарликни бошлашингиз мумкин.*



**Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, "Ma`rifat" мухбири**

**Anjuman**

# ҚУЁШ — ИНСОН ХИЗМАТИДА

### *Бухорода республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди*

Қуёш энергиясидан фойдаланиш масаласи ҳамиша долзарб бўлиб келган. Зеро, бу энергия битмас-туганмас ва уни инсоният ўз измига бўйсундириш йўлида кучғайратини аямайди. Яқинда Бухоро давлат университетида бўлиб ўтган "Қуёш энергиясидан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар" мавзуидаги республика илмий-амалий анжуманининг очилиш маросимида ҳам ана шу фикрлар яна бир бор таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда БухДУ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманни университет ректори, академик К.Муқимов кириш сўзи билан очиб, ушбу тадбирдан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида тўхталди.

— Бундан уч йил муқаддам университетимизда ядро физикаси мавзуига бағишланган нуфузли анжуман ўтказилганди, — дейди Комил Муқимов. — Бугунги тадбирни ўша анжуманнинг мантиқий давоми, деб эътироф этиш мумкин. У олим ва тадқиқотчиларни қуёш энергиясидан фойдаланиш йўлидаги янгидан-янги изланишларга ундайди. Зеро, фан ва таълимни биргаликда олиб бориш ҳаётий заруратдир. Шунинг механизмини ишлаб чиқиш фойдадан холи бўлмасди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Олий Мажлис депутати Б.Йўлдошев ушбу анжуманнинг аҳамияти, ундаги мавзуларнинг долзарблигини алоҳида таъкидлаб, тадбир иштирокчиси бўлган олимлар ҳамда талабалар эътиборини энергиядан самарали фойдаланиш масалаларига қаратди.

Анжуман дастлабки иш кунида БухДУ ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида "Гелиофизика ва қуёш энергиясидан фойдаланиш" ўқув-илмий лабораторияси очилди. Бу олим ва тадқиқотчиларнинг битмас-туганмас энергия манбаи бўлган қуёшдан халқ хўжалиги ривожи йўлида фойдаланиш борасидаги изланишлари самарасини оширади. Қолаверса, минтақадаги энг кўп қуёшли жой ҳам Бухородир. Ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ бу ерда қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилган эди. Очиғи, инсон ақл-заковати чеки йўқ хазинадир. Ядро энергетикаси соҳасининг ўзи бунга яққол мисол бўла олади. Лекин табиат ато этган шундай бойликлар борки, инсон уни ўз измига бўйсундирса, аниқроғи улардан фойдаланиш калитини топса тараққиёт янада жадаллашган бўлур эди.

Қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида эришилган натижалар чакки эмас. Уйларни иссиқлик билан таъминлаш, сувни иситишда муайян тажриба тўпланган.

— Ҳар бир корхона ва ташкилот раҳбари мен Ватанимда энергияни тежайман, деган мақсад билан ишлаши керак, — дейди анжуманда "Бухоро вилоятида қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммолари" мавзуида маъруза қилган БухДУ умумий физика кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Туроб Жўраев. — Гап электр энергиясини маълум бир муддат ўчириб қўйиш эвазига уни тежаш хусусида бормаяпти. Бу тежамкорлик қуёш энергиясидан фойдаланиш эвазига бўлиши зарур. Шу масалада тайёр илмий ечимлар бор. Фақат корхоналарнинг тегишли илмий муассасалар билан ҳамкорлиги керак, холос.

Дарвоқе, анжумандаги ҳар бир маъруза масаланинг у ёки бу жиҳатини ёритиши нуқтаи-назаридан долзарб аҳамият касб этди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти, "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори С.Лутфуллаевнинг "Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари", Фанлар академияси Энергетика ва автоматика институтининг директори, академик Р.Зоҳидовнинг "Ўзбекистон энергетика тизимида қайта тикланадиган энергия манбаларининг ўрни", "Физика-Қуёш" ИИЧБ лаборатория мудири, техника фанлари доктори, профессор Р.Авезовнинг "Иссиқлик таъминотида қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳолати ва истиқболлари" мавзуидаги маърузалари қизиқиш билан тингланди.

Қизғин фикр алмашув остида ўтган тадбир сўнгида анжуман қатнашчилари қарор қабул қилдилар. Бу қарорда ҳар уч йилда бир маротаба Бухорода халқаро гелиотехниклар анжуманини ўтказиш ҳақидаги таклифлар ҳам илгари сурилган. Шу тариқа қадимий шаҳримиз яна бир илмий анжуманнинг халқаро мақом олишида бешик вазифасини ўтади.

**ЎЗ МУХБИРИМИЗ**

# ХИРМОН ТЎЛИБ ТЎКИЛДИ ДОН...

**Xalq ta'limi va bozor iqtisodiyoti**

Нафақат Вобкент тумани, балки Бухоро вилоятида ердан самарали фойдаланадиган таълим муассасалари ҳақида гап кетганида, 10-мактабнинг ибратли ишлари алоҳида эътироф этилади. Сирасини айтганда, бу даргоҳда гулчилик, ниҳол етиштиришга киришилганда бозор иқтисоди, маркетинг хизмати каби тушунчалар тасаввурдан бутунлай йироқ эди. Вақт бу даргоҳда узоқни кўзлаб иш юритилганлигини кўрсатди.

— Она табиатга меҳр, теварак-атрофни яшилликка буркаш, табиат саховатидан баҳраманд бўлиш иштиёқида дастлаб ишни турли-туман ерда ўсадиган ва хонаки гуллар парвариш қилишдан бошлагандик, — дейди мактаб директори, тажрибали педагог Ғулом Очилов,— Кейинчалик яхши навли мевали дарахтларни кўпайтириш, помидор етиштириш ҳам йўлга қўйилди.

Мактабнинг 4 сотихлик иссиқхонасида ўстирилаётган гул, помидор ниҳоллари, ер участкасидаги бошқа экин-тикинларга ишлов бериш асосан гулчилик тўгараги аъзолари зиммасида, Тўгаракнинг Азамат Икромов, Файзулла Тошев, Умида Қодирова, Раъно Эшонқулова сингари 36 нафар аъзоси боғбон Собир Файзуллаевнинг оғирини енгил қилишмоқда. Эрта баҳордан улар ниҳолларни пайвандлаш, яганалаш, гулларни кўпайтириш ишларини тўгарак раҳбари билан биргаликда уддалашади.

— Зиммамиздаги бош вазифа ёш авлодга таълим-тарбия беришдан иборат, — дея изоҳ беради мактаб директори Ғ.Очилов ердан фойдаланиш тўғрисидаги мулоҳазаларини давом эттирар экан. — Жамоа асосий диққат-эътиборни таълим сифати, мазмунига қаратган. Ўғил-қизларда ерда ишлаш, яратувчиликка ўргатиш, пешона тери эвазига топиладиган маблағни тежамкорлик билан сарфлаш туйғусини камол топтириш, меҳнат қилиш амалий кўникмаларини шакллантириш ҳам тарбиянинг муҳим жиҳатидир. Ишлаб чиқариш, маҳсулот яратиш жараёнларида болаларнинг бевосита иштирок этишлари ҳар қандай сабоқдан ҳам таъсирчан, самаралидир.

Мақоламиз аввалида таъкидлаганимиздек, жамоанинг масалага ана шу нуқтаи-назар билан ёндашаётганлиги боис ҳам ердан самарали фойдаланиш мақсадида иссиқхона барпо этишга анча аввал киришилган. Очиғи, ўтган йили таълим муассасаси ер участкасидан жами 2 млн. 160 минг сўм даромад кўрди. Бу йил ҳам мактаб ер участкасидан 300 килограмм картошка қазиб олинди. Экиндан бўшаган майдонда кузги помидор ниҳоллари ўстирилди. Вилоят ҳокимининг "Мактаблар куни"ни ўтказиш тўғрисидаги қарорига асосан, барча билим даргоҳлари сингари бу таълим масканига ҳам ажратилган 1 гектар ердан қарийб 6 тонна буғдой хирмони кўтарилди. Экинларга ишлов беришда жамоа аъзолари, айниқса, хўжалик ишлари мудири Жўрақул Сафаров, хизматчилардан Неъмат Бахронов, Умид Шириновларнинг улуши катта бўлмоқда.

Ҳа, доно халқимизда "Меҳнат инсонни улуғлайди", деган пурмаъно нақл бор. Чиндан ҳам меҳнат инсонни улуғлаш билан бир қаторда кемтигини бутлаши, моддий манфаат келтириши Вобкент туманидаги 10-мактаб жамоаси мисолида аллақачон ўз тасдиғини топган.

**Сора ТОШЕВА**



***Таълим муассасаларида "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар", "Маънавият асослари" фанларининг ўқитилиши долзарб вазифалардан биридир. Чироқчи тумани Абдумўмин Бойназаров номидаги 38-ўрта мактаб ўқитувчиси Яшин Муродов ҳам ёш авлодга юқорида айтиб ўтилган фанлардан маҳорат билан сабоқ бериб келмоқда.***

***Суратда: Я. Муродов дарс пайтида.***

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# ЕЧИМИНИ ТОПИШ КЕРАК

**Aks-sado**

**"Маърифат"нинг шу йил 25 сентябрь сонидаги М.Валиеванинг "Муаммонинг ечими қаерда?" мақоласида шу куннинг оғриқли масалаларидан бири кўтарилган. Чиндан ҳам юқори синф ўқувчиларининг аксарияти мактабга портфелсиз, атиги биттагина дафтар билан келишади. Шу боис мақолани 11-"А" ва "Б" синф ўқувчилари ўртасида муҳокама қилдик. Сўзга чиққан ўқувчилар мақолага нисбатан фикр-мулоҳазаларини қуйидагича ифодаладилар.**

**Санжар Абдураҳмонов:**

**— Мақолада бор гап рўй-рост айтилган. Портфель олиб келмайдиган болалар бизнинг мактабимизда ҳам бор. Улар хато қилишади. Чунки, биз ўқувчимиз. Ўқувчининг вазифаси — ўқиш. Шундай экан, ўқувчида аввало портфель унда дарслик, дафтар, ручка каби ўқув қуроллари бўлиши керак.**

**Раъно Мамажонова:**

**— Яқинда ўқув йили бошида мактабимиз остонасига биринчи бор қадам босган 124 нафар 1-синф ўқувчиларига Президентимиз совғаси, яъни ичига дарслик, ўқув қуроллари солинган портфель топширилди. Уларнинг қувончини кўринг. Демоқчиманки, портфель ўқувчининг ўқувчилигини кўз-кўз қилиб турувчи белги. Портфелсиз ўқувчининг кўчада бекор юрган боладан фарқи йўқ.**

**Назира Исамова:**

**— Мен қизларнинг сумкада ўқув қуроллари ўрнига ойна, тароқ ва бошқа турли бўёқлар кўтариб юришига қаршиман. Синфимизда бундай қизлар йўқ. Менимча, ўқувчи эрталаб дарсга келаётиб ойна олдида ўзига бир қараб олса кифоя. Дарс вақтида кўпчилик эътиборини ўзига тортиб, оро бериб ўтириши урф-одатларимизга тўғри келмайди, уят ҳисобланади.**

**Муаттар Тожидинова:**

**— Баъзи ота-оналар ўғил ёки қизлари мактабга портфелсиз кетаётганини кўришса-да, лом-мим дейишмайди. Портфель, китоб-дафтарсиз ўқувчи хоҳласа дарсга киради, хоҳламаса йўқ. Бу беш қўлдай маълум-ку! Назаримизда мақолани ота-оналар ҳам ўқиб чиқишлари керак.**

**Шунингдек, муҳокамада Маҳфуза Нишонова, Гулбаҳор Исомиддинова, Дилдора Мамадалиева каби ўқувчилар ҳам талаба ёки ўқувчида портфель бўлиши шарт эканлигини таъкидладилар. Бир сўз билан айтганда, мақола бошқа синфларда ҳам ўрганиб чиқилди.**

**Ушбу мақола сабаб мактабга портфелсиз, ўқув қуролларисиз келадиган ўқувчиларни алоҳида ҳисобга олиб, тушунтириш ишлари олиб бориш, уларнинг ота-оналари билан ҳамкорликни кучайтириш тадбирлари белгиланди.**

**К.РАҲИМОВ,**
**Чортоқ туманидаги 47-ўрта мактаб ўқитувчиси**

# НАЙМАН ҚИШЛОҒИГА АМЕРИКАНИНГ ЁРДАМИ

**Американинг "Абт ассосуэтис Инк" ташкилоти чегара ҳудудларидаги қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига ёрдам бериш бўйича иш олиб боради. Ташкилот Андижон вилоятидаги Марҳамат тумани Найман қишлоғида жойлашган 4-мактабни тўла таъмирлаш учун катта миқдорда пул ажратди. Бу ерда спорт ва соғломлаштириш дастури бўйича ҳам ишлар бошланди.**

**Ўтган якшанба куни мактабга Қирғизистоннинг чегарадош Аравон қишлоғидан болалар ва ўсмирлар футбол жамоалари ташриф буюрди. Анжуман иштирокчиларини Америка "Абт ассосуэтис Инк" ташкилотининг спорт ва саломатликни тарғиб этиш дастури директори У.Уильямс, Аравон тумани ҳокимининг ўринбосари О.Ҳайдарова, Марҳамат тумани ҳокимининг ўринбосари А.Холдоров, Ўзбекистон футбол федерацияси бош мутахассиси А.Имомхўжаевлар қизғин муборакбод этдилар.**

**Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти парашютчиларининг кўргазмали чиқишлари, Аравон ва Найман қишлоқлари болалар ва ўсмирлар футбол жамоалари мусобақалари барчада катта таассурот қолдирди. Найман қишлоғининг ўсмирлар футбол жамоаси 5:0 ҳисобида ютуққа эришган бўлса, кичик ёшдаги болалар жамоаси эса 0:2 ҳисобда ютқазиб қўйди. Энг асосийси дўстлик ғалаба қозонди.**

**О.СИДДИҚОВ**

# "ТУРНАХОН"НИНГ ТАШАББУСИ

*Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли "Турнахон" номли 26-мактабгача таълим муассасасидаги 11 та гуруҳнинг 2 тасида церебрал палаж хасталигига чалинган болалар тарбияланади. Ушбу махсус гуруҳда 19 нафар болакай ҳам даволанади, ҳам таълим-тарбия олади.*

*Болаликда гап кўп. Бу ёшда улар софдил ва беғубор бўлишади. Она бошлаганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Бу гуруҳга 2-8 ёшли болалар қабул этилиб таълим-тарбия ишлари махсус дастур асосида олиб борилади, болаларнинг лаёқатлилигини ўстириш имкониятларини рўёбга чиқариш бош мезон ҳисобланади. Ана шу ўтган давр ичида "Турнахон" болалар боғчасининг бу соҳадаги иш тажрибаси ортиб унинг ташаббуси вилоят бўйича кенг қулоч*

*Инсон ўз фарзанди учун кези келганда жонини қурбон қилишга ҳам тайёрлиги ажабланарли ҳол эмас.*

*Зеро, ҳар бир боланинг бахтли келажаги, тўқ ва фаровон яшаши учун жамиятимизда фаол ва самарали иш олиб бораётган нодавлат ташкилотлари тарбия жараёнида камарбаста бўлаётганлиги қувонарли. "Мақсадимиз келажак ворисларимизни ҳар томон-*

*ўз гўдагига бешикдалигиданоқ, алла айтиб, унга қалбини беради. Гўдакнинг жисмонан ва ақлан заиф бўлиб дунёга келиши эса чинакам фожиадир. Бунга қанча кеч киришилса боланинг тарбияси шунча оғир кечади. Ана шуни назарда тутган ҳолда Навоий шаҳридаги мазкур МТМда шу йўналиш бўйича илк бор 1994 йилда 1 та гуруҳ ташкил этилди.*

*2001 йил 29 октябрь ойидан эътиборан нодавлат Республика "Умр" марказининг филиали ҳам айнан шу тарбия масканида ўз фаолиятини ёзмоқда. Жумладан, Конимех туманида рўйхатга олинган 153 нафар болажонларни бошқа болалардек соғлом қилиш учун вилоят "Умр" марказининг филиали ташкил этилди. Ушбу марказнинг галдаги вазифаси болажонларнинг маънавий етук бўлиб камол топишида ота-оналар, маҳалла аҳли билан ҳамда ҳомий ташкилотларнинг саховатпешалигидан фойдаланиб мақсадли таълим-тарбия ишларини йўлга қўйишдан иборатдир.*

*лама етук ва билимли қилиб камолотга етказиш учун бурчли бўлиш, масъулиятни унутмаслик, ташаббусларимизнинг кенг қулоч ёйишига эришишдир", дейди "Турнахон" болалар боғчаси мудираси ҳамда вилоят "Умр" марказининг директори Н.Юсупова.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2002 йилнинг охиригача ушбу марказ ўз филиалини Қизилтепа туманида ҳам очиш учун тайёргарлик ишларини олиб бормоқда.*

**Ўткир ПЎЛАТ**

# ТИЛ ТАЪЛИМИДА ТОПИШМОҚЛАР

*Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида “Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиянинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир“, дея алоҳида таъкидланган.*

*Ана шундай бой мерослардан бири топишмоқлардир. Улар асрлар мобайнида яратилиб, авлоддан-авлодга ўтиб, бадиий жиҳатдан сайқал топиб келаётган халқ оғзаки ижодининг алоҳида жанри ҳисобланади.*

*Халқ донишмандларининг дурдоналари бўлган топишмоқлар инсон идрокини ошириш; фикрлаш қобилиятини ўстиришда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, халқнинг тарихий ўтмишини, урф-одатларини билишда калит вазифасини ҳам ўтайди.*

*Тажрибалардан шу нарса аёнки, V-VI-VII синф ўқувчиларининг билим даражаси, дунёқараши, қизиқувчанлиги турлича бўлади. Шу боис машғулотларда ўрни билан деб номланган қўлланма топишмоқлардан фойдаланиш яхши самара беради. Топшириқли топишмоқларни VII-IX синфлардаги она тили машғулотларида ҳам ўринли қўллаш ўқувчиларнинг билим савияси ўсишига ва мустақил фикри ривожланишига ижобий таъсир этади. Она тили дарсларига дарсликда бўлмаган материалларни олиб кириш ва ундан ўз ўрнида фойдаланиш ўқувчини қизиқтиради, дарс самарадорлигини оширади. Шу маънода Н.Эргашев, Ш.Бобожонов, Ю.Муродовлар томонидан яратилган “Тил таълимида топишмоқлар” деб номланган қўлланма она тили машғулотларида топишмоқлардан фойдаланиш йўл-йўриқларини кўрсатишга бағишланиб, бу кўрсатмалар она тили ўқитувчилари ва бўлажак ўқитувчилар учун аҳамиятлидир.*

*Муаллифлар тил сатҳларини, фонетика, сўзшунослик, морфология, синтаксисга мос топишмоқларни ҳозиргача нашр этилган тўпламлардан танлаб олганлар ва уларни қачон ва қандай ҳолда ишга солиш усулларини кўрсатиб берганлар. Ўзбек тилининг фонетик, лексик, морфологик ва синтаксис хусусиятларига боғлиқ бўлган топишмоқларни ечиш ўқувчиларнинг қизиқишларига сабаб бўлади. Бу ҳақиқатдан ҳам, ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятини оширади, уларни фикрий изланишга ўргатади. Қўлланмада топишмоқлар тил бўлимлари бўйича тасниф қилинган ва улардан фойдаланиш ўринлари белгилаб берилган.*

***<u>Мисолларга мурожаат этайлик:</u>***

*1. Фонетикани ўрганишда амалда фойдаланадиган топишмоқлар:*

*Иншоот, мурожаат,*
*Талаффуз, троллейбус.*
*Тўрт сўзда тўртта товуш*
*Такрордир қайси товуш.*
*(а,о,ф, л).*

*“Катта“да бор,*
*“Кичик“да йўқ.*
*“Эллик“да бор,*
*“Етмиш“да йўқ.*
*(Қўш ундошлар:).*

*Тил сатҳлари орасида сўзшунослик (лексикология) алоҳида ўрин тутади. Профессор Ҳ.Неъматов раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан яратилган дарсликда (Она тили. 5-синф Т-2001 й.) сўзшунослик бўлимини 5-синфда ўқувчиларга ўргатиш мўлжалланган. Бу синфда сўзшуносликнинг айрим мавзуларини ўқувчилар онгига тўлақонли етказишда топишмоқлардан фойдаланиш яхши натижаларга олиб келади. Масалан, шаклдан сўзлар мавзусини ўқувчиларга тушунтириш жараёнидан ўринли фойдаланиб, уларнинг билимини аниқлаш ҳамда баҳолаш мумкин. Бунда қуйидаги топшириқлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.*

*Ўт сўзида уч ном бор,*
*Жавобга кимлар тайёр.*
*(Шаклдош сўз: ўт-ўсимлик маъносида, ўт -ариқдан, ўт-олов маъносида).*

*Сизлар борки,*
*қарши ҳар хил кўрар кўз,*
*Маънолари бир-*
*бирига яқин сўз.*
*(Маънодош сўзлар).*

*Доимо ростгўй бўлсанг,*
*Элда ҳурмат топасан.*
*Ёлғон сўзловчи бўлсанг,*
*Эл нафратин оласан.*
*Бунда бор антонимлар,*
*Топинг-чи, қайси сўзлар?*
*(Ёлғон-рост, ҳурмат-нафрат).*

*Кўнгил жойига тушди,*
*Юзида ой кўринар,*
*Булар қанақа сўзлар?*
*Маъноларин ким айтар?*
*(Иборалар).*

*Тошкентлик айтар-нарвон,*
*Фарғоналиқ шоти-дер.*
*Бухоролик норбон дер.*
*Бу сўзлар қандай сўзлар*
*Ўйлаб кўрсангиз бўлар*
*(Маҳаллий сўзлар).*

*Барча фанда қўлланар*
*Бир маънони билдирар.*
*Т билан бошланади,*
*Н да тугалланади.*
*Номи нима бўлади?*
*(Термин).*

*Тил сатҳларида морфология муҳим ўрин тутади. Бу ҳақдаги маълумотлар 6-7-синфларда ўқувчиларга ўргатилади.Педагогик амалиётда фойдаланилаётган она тили дастур ва дарслигидаги феъл сўз туркуми тўғрисидаги маълумотларни 6-синфда ўқувчиларга ўргатиш кўзда тутилган. Бу мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида топишмоқлардан фойдаланилади:*

*Бўлмас иши-у ҳаракатни билдиради,*
*Бундай маъно доим-ма дан билинар.*
*Ёзамиз-у айтамиз, ҳар дам,*
*Нималигини топайлик биз ҳам?*
*(Бўлишсиз феъллар).*

*Ишла, ўйла, ҳам алла,*
*Сайла, бола ҳам алла.*
*Олти сўзда олти-ла,*
*Феъл ясовчи қайси-ла?*
*(Ишла, ўйла, сайла сўзларидаги ла қўшимчаси).*

*“От туркуми“мавзусини ўтиш жараёнида қуйидаги топишмоқлардан фойдаланиш мумкин:*

*Аташ бор маъносида,*
*Бош ҳарф бор имлосида*
*(Атоқли от).*

*Турдош от:*
*Кўп оғиз кўпиртирма,*
*Ҳам ўзингни мақтама.*
*Дебди Гулханий бобо:*
*Бор мақтанса, топилар,*
*Йўқ мақтанса, чопилар.*
*Мени кўп камситмагин,*
*Асаб ўтим ёқмагин.*
*Йўқса, сенга-лик қўшиб,*
*Турдош қилиб қўяман?*
*(Атоқли отнинг турдош отга айланиши).*

*Қуйидаги топишмоқларни эса сифатларни ўтишда тавсия этамиз:*

*Катта-кичик, яхши-ёмон,*
*Қандай сифат?Топинг чаққон?*
*(Зид маъноли сифатлар, ҳам жуфт сифатлар).*

*Эртапишар, кечпишар,*
*Қандай сифат, ким топар?*
*(Қўшма сифат).*

*“Сон туркуми“мавзусиниўтишда қуйидаги топишмоқлардан фойдаланилади.*

*Маъносида бор санаш,*
*Ўлчаш ҳамда рақамлаш.*
*(Сон сўз туркуми).*

*Нарсаларнинг тартиби,*
*Сонини белгилайди.*
*Буюмларнинг ҳажмини*
*Миқдорин белгилайди.*
*(Тартиб сон, миқдор сон).*

*“Равиш“мавзусини ўтишда эса қуйидаги топишмоқлардан фойдаланиш тавсия этилади:*

*Ҳаракату ҳолатнинг,*
*Бор даража-миқдори.*
*Ким топади уларни,*
*Аълочилар қатори?*
*(Даража миқдор равишлар).*

*Олмош ҳақидаги тушунчалар дарсликда 7-синф ўқувчиларига мўлжалланган. Қуйидаги топишмоқлардан ўрни билан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади, деб ўйлаймиз:*

*Оту сифат, сонларга,*
*Ҳам отлашган сўзларга.*
*Ҳар доим ўринбосар,*
*Отлар каби турланар.*
*(Олмош-сўз туркуми).*

*Маъноси гумон, тахмин,*
*Аниқлик бўлмас яқин*
*(Гумон олмоши).*

*“Ёрдамчи сўзлар“ мавзусини ўтишда қуйидаги топишмоқдан фойдаланиш мумкин:*

*Гапда мазмун тиклашда,*
*Сўзларга кўмаклашар.*
*Нутқда, ўрни келганда,*
*Келишик-ла алмашар?*
*(Қўшимчалар).*

*Ҳар кимни, ҳар нарсани,*
*Тенг-тенги билан боғлар,*
*Боғлаб димоғин чоғлар.*
*(Боғловчилар).*

*Маъносида таъкид, айирув,*
*Ҳам сўроғ-у ҳам кучайтирув*
*(Юклама).*

*Синтаксиснинг сўз бирикмаси ва содда гап қисми 8-синфда, қўшма гап ва унинг турлари эса 9-синфда ўқувчиларга ўргатиш учун мўлжалланган. Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлашда қуйидаги топишмоқлардан фойдаланиш тавсия этилади:*

*Бўлсанг агар мақтанчоқ,*
*Уят қилар эл ҳар чоқ.*
*Қандай гап, номи нима?*
*Билиминг ўзинг сина.*
*(Шарт эргаш гапли қўшма гап).*

*Сифат отга боғланар,*
*Маъноси-ла боғланар.*
*Қандай бирикма булар,*
*Ким тўғри жавоб топар?*
*(Битишув).*

*Кўмакчи-ла келган сўз,*
*Нутқда феълга боғланар.*
*Сўнгра ҳар иккала сўз,*
*Қандай бирикма бўлар.*
*(Бошқарув).*

*Бош гап аниқловчининг,*
*Сўроғини талаб этар.*
*Эргаш гап шу сўроқнинг.*
*Жавоби бўлиб келар.*

*Хуллас, она тилидан ноанъанавий дарс ўтиш, машғулотларда муаммоли вазият яратиш эканлигини кўрсатиб берувчи ушбу қўлланмадан ҳамкасбларимиз педагогик амалиётда фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.*

**Қумрихон СУЛТОНОВА,**
**Республика Таълим маркази бош методисти**

Sinab ko‘ring

## ПЕДАГОГ-ШОИР — ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

**Педагог-шоир Ғуломжон Солиевнинг номини нафақат Фарғона вилоятида, балки республикамизда ҳам кўпчилик яхши билади. Унинг ўқишли достон ва шеърлари, ҳажвий асарлари кўп йиллардан бери республикамизнинг турли газета ва журналларида тез-тез босилиб туради. Ғуломжон ака кўп йиллар мактабларда ёшларга адабиёт фанидан дарс берди, нафақага чиққунига қадар эса туманда чиқадиган “Бешариқ тонги“ газетасида меҳнат қилди.**

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мамлакатимиз ҳаётида кечаётган маънавий покланиш ва миллий тикланиш жараёнларида ўқитувчи-мураббийларнинг ўрни ҳамда уларнинг ватанимиз ёшларини соғлом ва баркамол, ватанпарвар, фидойи инсонлар қилиб тарбиялашдаги меҳнатларини тараннум этувчи асарлар учун кўрик-танлов эълон қилган эди. Кўрик-танлов натижаларига кўра, энг яхши шеърий асар учун 1-ўрин бешариқлик педагог-шоир, меҳнат фахрийси Ғуломжон Солиевга берилди. У бу мукофотга шу тумандаги 4-боғча-мактаб раҳбари, халқ таълими аълочиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, “Эл-юрт ҳурмати“ ордени соҳиби Мусулмонқул Мамадов ҳаётига бағишланган “Маърифат юлдузи“ деб номланган ҳужжатли шеърий достони учун сазовор бўлди. Достонда тажрибали ва билимдон раҳбарнинг ҳаёти ва маънавий дунёси ёрқин сатрларда ифода этилган.**

**Мен уни боғбонга ўхшатгим келар,**
**Кўзи қароғидай асрар ниҳолин.**
**Асалари каби тинмасдан елар,**
**Болаларга берсам дейди у болин.**
**Уни машъалага ўхшатгим келар,**
**Дейди: Равшан қилсам болалар йўлин.**
**Қалбин тарк этмасин ширин орзулар,**
**Маҳкамроқ ушлангиз болалар қўлин.**

**Достонда бундай равон ва мароқли сатрлар анчагина.**

**Яқинда туман ҳокимлиги биносида ғолиб педагог-шоир Ғуломжон Солиевга мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Хўжаев, туман ҳокими С.Мамадиевлар тантанали суратда топширдилар.**

**Ўткир САИДОВ**

## ИЖОД. ВАҚТ. МАКОН

**РАНГЛАРНИ ҚАНДАЙ ТУШУНИШ, АНГЛАШ КЕРАК?**

Ҳар бир инсон, айниқса, катта ижодкорнинг бу масалада ўз ёндошуви, ўзига хос англаш йўли бор.

Тушуниш бу кўпроқ илм-фанга хос ҳолатдир. Масалан, соатнинг ички тузилишини билиш, англаш учун уни очиб кўриш, қайси қисмлар, деталлар қандай ҳаракат қилиши, қай вазифани бажаришини англамоқ учун ғилдираклари қандай айланиши ва қандай жойлашганларини билиш кифоя. Ранг- тасвир ва мусиқа ҳиссий жисмлар орқали ҳис қилинади. Агар одам ҳис қилмаса, ақлан эмас, ички сезгилари орқали англаш хусусиятига эга бўлмаса, ранг-тасвир ва мусиқа руҳига киролмайди.

Ҳақиқий ранг-тасвир бу қалбнинг дастхати, имзосидир. Шунинг учун ҳақиқий рассомнинг ҳар бир асари олдингиларини такрорламайди, чунки киши ҳолати ҳам жисмонан, ҳам руҳан бир ҳолатда бўлмайди, ҳар бир дақиқада ўзгариб, турланиб туради. Масалан, инсон 8 соат уйқуга кетса, демак у 8 соатга кексайган ёхуд улғайган бўлади. Кишининг ҳолати ҳам бир хил бўлмайди. Чунки, инсонга хос хусусият шундан иборатки, у йиғилган, жамланган тажрибани гўё эсидан чиқаргандай, унутиб бораверади. Тўпланган тажриба инсондан инсонга ўтади, кўчади, авлоддан авлодга эса берилмайди, кўчмайди. Оталар ўз фарзандларига ўргатадилар, улар эса ўрганганларини ўз билганича ҳаётга татбиқ қиладилар. Тажриба доимо ўтиб, кўчиб, қабул қилиниб турилади. Шунинг учун ҳар бир картинани яратиш борасида тажриба тўпланади, шу жараёнга янги-янги ҳолатлар сингдирилади, кириб боради. Ҳар бир картина бу такомиллашув, ўсиш демакдир. Янги тажриба

Anglash

орттириш билан тараққиёт тўхтовсиз давом этаверади. Кишилар дунё қурилиши, тузилишига қалбан ёндошади. Дастлаб ақл билан англайдилар, сўнгра ҳиссиёт билан ёндошадилар.

Шунинг учун шоир, рассом бошқа кишилардан фарқланиб, ҳиссий ҳарорат кучига эга. Улар борлиқни, воқеликни кескинроқ, бўртган ҳолатда ҳис қилувчи шахсдир. Улар ҳиссиёт, руҳий оламнинг даражасини ўлчаб турадиган барометр. Олим бўлиб ўтган ҳодисаларда нима юз берганлигини, қандай содир бўлганлигини таҳлил қилиши, ҳисоб-китоб қилиб кўриши мумкин. Шоирнинг эса олимга нисбатан интуицияси кучли, у салоҳияти билан таъсирланади, англашга асосланади. Рассом учун, шоир учун гўё вақт тўхтаган. Картинада масалан вақтнинг тўхтатилган ҳолати юз беради. Чунки вақт ҳиссиётнинг эмас, ақлнинг ҳосиласи. Биз ҳиссиётлар даврида истиқомат қиламиз. Бир одам бошқасига кўра кўпроқ ҳис қилиши мумкин. Фарқи мана шунда. Рассом, шоир бунга бир мунча яқин келади. Чунки, у қабул қилишга мойилроқ, зеҳнли, укувли ва ҳамма вақт унинг ижодида маълум вақт ўлчами мавжуд эмаслигига қарамай, ўз даври, аниқроғи маълум вақт хусусияти фанга нисбатан йўқ ҳисоби. Масалан, Ньютон шу кун учун долзарб, ёки маълум оралиқ учун муҳим, зарур бўлса, Италия уйғониш даври, Миср эҳромлари шу кунга қадар неча минг йиллар ўтишига қарамай муҳимдир. Юксак бадиийликка эга бўлган қадриятлар, ҳақиқат, чинлик — бу ҳамма даврлар учун аҳамиятли. Рассом изланишларининг моҳияти, маъниси, аҳамияти ҳам шунда. Ҳар қандай бадиийликда руҳий ҳолатнинг қанчалик теран ифода этилишига қараб бадиий асарнинг моҳияти белгиланади. Бу ўта муҳим. Шунинг учун ҳам санъатни, динни, фанни ҳеч қачон бир-бирига қарама-қарши қўйиш керак эмас. Фан шуларнинг барчасини маълум тартиб, қонун-қоидага тушириши мумкин. Уларнинг бири иккинчисини тўлдиради. Инсониятни юксак руҳий даражага кўтаришда, руҳий юксакликни таъминлашда рассомнинг вазифаси, ўрни муҳимдир.

**Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**катта илмий ходим**

## “Ҳ” БИЛАН “Х” БИТТА ҲАРФМИ?

### ёки “Кросс” газетасининг “кашфиёти” ҳақида

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганидан сўнг, айниқса мустақиллик йилларида унга бўлган эътибор янада кучайди. Бу борада ОАВ, хусусан, матбуотда ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Унутилиб бораёзган кўпгина сўзлар қўллана бошланди, турли хил расмий қоғозлар, ҳужжатлар ўзбек тилида ёзиладиган бўлди...

Бугунги кунда оммавий нашрлар сони ошиб бораётгани кўп жиҳатдан яхши. Лекин ҳамма газета-журналларга нисбатан ҳам “ёшлар онгини ўстираяпти“, “дунёқарашни кенгайтирмоқда“, “тилимизни ривожлантираётир“ каби таърифларни ишлатишимиз мушкул. Бунга бир неча сабаблар тўсқинлик қилади. Масалан, айни пайтда ўз саҳифасидан турли сканворду кроссворд ва турли бошқотирмаларга жой ажратмаган нашр кам топилади. Албатта, бундай кўнгилочар машғулотларнинг берилиши муштарийнинг мазмунли дам олишини таъминлайди. Ҳатто бошдан оёқ бошқотирмалардан иборат нашрлар ҳам мавжуд. Ана шундай нашрлардан бири — чоп этила бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмаган “Кросс“ газетасидир. Таъкидланганидек, унинг барча саҳифаларида бошқотирмалар, сканвордлар берилади. Бу газета хусусида ТВ ва радиода реклама эълон қилингач, унга нисбатан дилимда қизиқиш пайдо бўлди ва 31-сонини сотиб олдим. Уни варақлаб, бошқотирмаларни ечиш жараёнида сканвордлардаги айрим бемаъни саволлару хато ёзилган сўзларга унчалик эътибор бермадим. Чунки бу каби хатоларни бошқа нашрлардаги бошқотирмаларда ҳам истаганча топиш мумкин. Аммо ички саҳифасини очганимда шундай “эслатма“га кўзим тушди: “Ҳурматли муштарийлар! Сканвордларда “ҳ“ ҳарфли сўзлар ҳам “х“ ҳарфида ёзилади!“ Бу гапни ўқиб кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмай қолдим. Шу тобда хаёлим фақат бир саволга жавоб изларди: “ҳ“ билан “х“ битта ҳарфми?!“ Жавоб эса шундай бўлиши шарт эди: албатта йўқ!!!

Бу билан “Кросс“ халқни алдаяптими, ўзиними? Бу ўзини мазах қилишми, халқними? Наҳотки, бу газета ўзини, ўзи билан бирга бутун миллатни, унинг тилини ерга ураётганини сезмаса?! Наҳотки газета ходимлари ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини билишмаса? Наҳотки, улар Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йил, 24 августда қабул қилинган 339-сонли “Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги қарорни ўқимаган бўлсалар?!! “Асосий имло қоидалари“да: **Хх** ҳарфи **хабар, хўроз, хоҳиш, мих** каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз сирғалувчи ундошни ифодалаш учун; **Ҳҳ** ҳарфи эса **ҳосил, ҳамма, баҳор, никоҳ** каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундошини ифодалаш учун ёзилади, деб, бу иккала ҳарфга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилади. Аммо кераkли жойда “х”нинг ўрнига “ҳ“ ёки “ҳ“нинг ўрнига “х“ ҳарфларини ёзиш мумкин, деган жумлалар “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари“да йўқ! Майли, шундай ёзиш мумкин деб фараз ҳам қилайлик. У ҳолда, масалан, **шоҳ**ни **шох, хам**ни **ҳам, ҳол**ни **хол** ёки **ҳар**ни **хар** десак ва шундай ёзиб, талаффуз ҳам қилсак, бу сўзларнинг маънолари бутунлай ўзгариб кетади-ку! Ваҳоланки, ҳеч қачон **хам** (яъни, бошни **хам** қилиш, эгиш) сўзи **ҳам** (боғловчи) маъносини; **шоҳ** (подшоҳ, ҳукмдор) сўзи эса **шох** (ҳайвон ёки дарахтнинг шохи) маъносини англатмайди. Ёки “ҳар бирингиз“ гапидаги **ҳар** сўзининг ўрнига **хар** (эшак) сўзини қўйиб кўрингчи, қанақа маъно келиб чиқар экан?!

Taajjub

Ҳар бир сўзнинг ўзига яраша маъноси, вазифаси бўлади. Шундай экан, “калла“ сўзининг ўрнига “оёқ“ ёки “юрак“ сўзининг ўрнига “қулоқ“ сўзини ёзиш мумкин эмаслигини, бизнингча “Кросс“ газетасининг ижодий ходимлари ҳам жуда яхши билишса керак. Бундан хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, Оллоҳ таоло томонидан яратилган барча нарсаларни (шунингдек, инсонга берилган қобилиятни ҳам) чиройли тарзда ишлата билиш ҳар бир кишининг ўз қўлида бўлади. Бунга салгина эътибор берилса бас. Жумладан, гўзал ва жозибали она тилимизнинг бойлиги ҳамда чексиз имкониятларидан тўғри ва тўлиқ фойдалана олсак, тилимизнинг янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган бўлар эдик.

**Элмурод НИШОНОВ,**
**ТДПУ қошидаги академик лицей ўқувчиси**

## ҲИКМАТЛАРГА БОЙ ОЙ




Бугун бутун мусулмон аҳли муборак рамазон ойининг биринчи кунини кутиб олди. Ҳикматларга бой ой — рамазон рўзасини тутиб бошлади.

“Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фажри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар. — Рамазон ойининг рўзасини субҳдан кун ботгунча тутмоқликни ният қилдим. Холис Аллоҳ учун. Аллоҳу акбар“ — дея улуғ ният ила бошланаяпти кунлар.

Америкалик машҳур олим ва амалиётчи Пол Брэггнинг “Очлик мўъжизаси“ китобини ўқигандирсиз. Гигиена ва парҳез қоидаларига риоя қилган ҳолда кишининг ўз саломатлигини ўзи ҳимоя қилиши, очликнинг саломатлик учун фойдаси ҳамда у одамни ҳамиша тубанлик сари тортувчи нафс йўриғига юришдан халос этувчи, уни руҳий юксалишга элтувчи восита эканлиги ҳақида ҳикоя қилинади ушбу китобда. Замонавий тиббиёт ҳам илмий хулосаларга таянган ҳолда буни тасдиқлайди. Ваҳоланки, очлик мўъжизаси — рўзанинг ҳикматлари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларда бундан етти аср илгари айтилган эди.

“Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва ъалайка таваккалту ва ъала ризқика афтарту, фағфирли йа Ғоффару ма қаддамту ва ма аххорту. — Эй Аллоҳ, ушбу рўзамни фақат Сенинг учун тутдим ва Сенга имон келтирдим ва сенга таваккал қилдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим. Эй гуноҳларни авф қилувчи Зот, менинг аввалги ва кейинги гуноҳларимни мағфират қилгил“, дея ифторлиқ дуосини ўқиб, чин дилдан ният қилганлар дуоси ижобат бўладиган кунлар бошланди. Ҳикмату раҳмат, мағфират ойи барчамизга муборак бўлсин!

| Рамазон | ноябрь декабрь | ҳафта кунлари | саҳарлик тугаши | ифтор вақти |
|---|---|---|---|---|
| 1* | 6 | Чоршанба | 5:18 | 17:14 |
| 2 | 7 | Пайшанба | 5:19 | 17:13 |
| 3 | 8 | ЖУМА | 5:20 | 17:12 |
| 4 | 9 | Шанба | 5:22 | 17:11 |
| 5 | 10 | Якшанба | 5:24 | 17:10 |
| 6 | 11 | Душанба | 5:26 | 17:09 |
| 7 | 12 | Сешанба | 5:27 | 17:08 |
| 8 | 13 | Чоршанба | 5:28 | 17:07 |
| 9 | 14 | Пайшанба | 5:29 | 17:06 |
| 10 | 15 | ЖУМА | 5:30 | 17:05 |
| 11 | 16 | Шанба | 5:31 | 17:04 |
| 12 | 17 | Якшанба | 5:32 | 17:03 |
| 13 | 18 | Душанба | 5:33 | 17:02 |
| 14 | 19 | Сешанба | 5:34 | 17:01 |
| 15 | 20 | Чоршанба | 5:35 | 17:00 |
| 16 | 21 | Пайшанба | 5:36 | 16:59 |
| 17 | 22 | ЖУМА | 5:37 | 16:59 |
| 18 | 23 | Шанба | 5:38 | 16:58 |
| 19 | 24 | Якшанба | 5:39 | 16:58 |
| 20 | 25 | Душанба | 5:41 | 16:57 |
| 21 | 26 | Сешанба | 5:43 | 16:57 |
| 22 | 27 | Чоршанба | 5:45 | 16:57 |
| 23 | 28 | Пайшанба | 5:46 | 16:56 |
| 24 | 29 | ЖУМА | 5:47 | 16:56 |
| 25 | 30 | Шанба | 5:48 | 16:56 |
| 26 | 1 | Якшанба | 5:49 | 16:56 |
| 27 | 2 | Душанба | 5:50: | 16:55 |
| 28 | 3 | Сешанба | 5:51 | 16:55 |
| 29 | 4 | Чоршанба | 5:52 | 16:55 |
| 30 | 5 | Пайшанба | 5:52 | 16:55 |

**Тошкент вақти билан тафовут (дақиқа ҳисобида)**

*Аввал: Андижон — 12, Жамбул, Қўқон — 7, Наманган, Фарғона — 10, Ўш — 14, Хўжанд — 6.*

*Кейин: Бухоро — 11, Денов — 7, Жиззах — 6, Нукус — 38, Туркистон — 4, Самарқанд — 9, Урганч, Хива — 35, Қарши — 11.*

*— Ҳа, — деб жавоб берибди Искандар, — онам мени йўқлик осмонидан олиб тушдилар, устозим эса ердан кўкка кўтарди.*

*Мавжуда Қорабоева раҳбарлигидаги "Акбаралибек" деҳқон-фермер хўжалиги мактабининг 45 нафар фаол ўқувчиларига 500 сўмдан 1000 сўм миқдоригача бўлган маблағдаги дала стипендияларини жорий этган.*



Milliy dastur — amalda

# ЎҚУВЧИ МУВАФФАҚИЯТИ ЎҚИТУВЧИ ИЗЛАНИШИДА

***Маълумки, "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — баркамол авлодни вояга етказишда дастуриламал ҳисобланади. Хўш, бу борадаги изланишлар боис юртимиз истиқлолининг ўн бир йиллиги нишонланган жорий йил Чуст тумани халқ таълими ходимлари учун қандай келди? Кўзланган марралар қандай эдию эришилган ютуқлар нималардан иборат бўлди? Чуст туман халқ таълими бўлими мудири Абдухалил Ҳамиджонов билан мухбиримизнинг суҳбати шулар ҳусусида кечди.***

**— Маълумки, ўқувчи муваффақияти ўқитувчи изланишидан дарак. Бу борада туманда кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Унинг самараси ўлароқ, туман ўқувчилари 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат тест маркази маълумотига кўра, билим самарадорлиги жиҳатидан вилоятда 4-ўринни эгаллади. Бу ютуқнинг омили нимада?**

— Чуст тумани Наманган вилоятининг энг кўзга кўринган сўлим гўшаларидан бири. Туман халқи меҳнаткаш, фарзандлари билимга чанқоқ, педагогларимиз талабчан, шулар туфайли бўлса керак, кўрсаткичларимиз юқори. Бундан ташқари туманимизда кўпгина фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. 2000-2001 ўқув йилида 66 та синфда 1980 нафар ўқувчи фанларни чуқур ўрганган бўлса, 2001-2002 ўқув йилида бу кўрсаткич 2,4 марта кўпайиб, 4911 нафарга етди. Юқорида таъкидланганидек, ўқитувчи изланиши ўқувчиси ютуғида бўй кўрсатади. Шу боис биз, энг аввало, ўқитувчиларимизнинг аъло даражада ишлашига шароит яратишга эътибор беряпмиз. Зеро, агар ўқитувчиларимизнинг оилалари тинч, ўзлари соғлом бўлсалар, мактабда ўқувчилар ҳам фанларни яхши ўзлаштирадилар.

2001 йилда педагог ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига 34 млн. 202 минг сўм ажратилган, 2002 йилда эса 69 млн. 688 минг сўм ажратиш кўзда тутилди. Ҳозирда 4430 нафар ходим коммунал тўловларида имтиёзлардан фойдаланади.

Изланишларимизнинг самараси ўлароқ, ўқувчиларимизнинг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи ҳам тобора юқорига кўтарилмоқда. Масалан, 2001 йилда 486 нафар ўқувчи олий ўқув юртларига кирди ва бу умумий битирувчиларнинг 16,4 фоизини ташкил этади. 2000 йилда бу кўрсаткич 12 фоиз бўлган. Касб-ҳунар коллежларига 2001 йилда 1255 нафар ёки 2000 йилдаги 231 нафарга нисбатан 5,4 марта кўп ўқувчи қабул қилинди. 2001 йилда ДТМ томонидан ўтказилган тест натижалари таҳлилига кўра, туманимиз тўртинчи ўринда бўлса, умумтаълим фан олимпиадаси бўйича ҳам вилоятда 2002 йилда тўртинчи ўринни эгалладик. Албатта, биз бу кўрсаткичлар билан кифояланганимиз йўқ.

**— Ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида чуқур билим олишлари учун уларга яратиб берилаётган шароитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади, шундай эмасми?**

— Албатта, саволингиз ўринли. Чунки қишда иссиқ, ёзда салқин, кенг, шинам синф хоналари керакли ўқув қуроллари билан жиҳозланган бўлса, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари осон кечади. Шу боис туманимизда бу муҳим жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, таълим муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур туман ҳокими томонидан тасдиқланган. Тумандаги мактабларнинг 84 фоизи замонавий биноларда жойлашган. 39 фоиз мактабларимиз компьютерлашган, 71 фоиз мактаб газлашган, 80 фоизи ичимлик суви билан таъминланган, 91 фоиз мактабда телефон алоқалари мавжуд, 48 фоиз мактаб спорт залига эга. Бундан ташқари, умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг 74 фоизи 1-сменада ўқишаётган бўлса, 26 фоиз ўқувчи 2-сменада ўқишларига тўғри келмоқда. Куни узайтирилган гуруҳларда эса 11200 нафар ўқувчи шуғулланади. Жорий ўқув йили бошланиши олдидан туман ҳокимлиги томонидан тасдиқланган дастур доирасида амалга оширилган ишларга мувофиқ 2001 йилда 15 та мактабнинг 6344 кв.метр томи шиферланди, яна 5 та мактабнинг эса иситиш тизими қайта таъмирланди. Бундан ташқари, режамизга кўра, 2002 йилда 18 та мактабнинг томларини тўла шиферлаш амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Ҳозирда бу юмушларнинг аксар қисми ниҳоясига етказилмоқда. Эътиборлиси, туманимизда халқаро ҳамкорликка ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Ҳозирда шаҳардаги 1-"Намуна" мактабини замон талаблари даражасидаги мактабга айлантириш учун туман ҳокими тасдиқлаган тадбирга асосан ҳозиргача 30 млн. сўмлик иш бажарилди. Мактаб Япония элчихонасининг грантини олган бўлиб, 44185 долларлик ўқув жиҳозлари олиш арафасида турибди. Тумандаги 69 та умумтаълим мактабларини 2002-2003 ўқув йилига тайёрлашда оталиқ ва ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш мақсадида туман ҳокимининг 2002 йил 10 майдаги 249-сонли қарори билан ташкилот, корхона, ширкат хўжаликлари бириктирилган. Уларнинг ёрдами билан мавжуд 69 та умумтаълим мактабларининг барчаси сифатли таъмирдан чиқарилди.

**— Фарзандларимизнинг баркамол вояга етишида спортнинг ўрни ҳам алоҳида. Бу борада туманда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Спорт — инсонни комилликка элтувчи бир йўл. Бу борада, айниқса, Президентимизнинг ташаббуслари билан мактаб ўқувчиларини спортга ошно қилиш мақсадида ҳар йили ўтказилиб келинаётган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг ўрни алоҳида. Ушбу мусобақаларнинг туманимизда мактаблар, туман ва вилоят босқичлари намунали ташкил этилган бўлиб, туманда спортнинг стол тенниси, енгил атлетика ва футбол турлари яхши ривожланган. Бу ишларимизнинг самараси ўлароқ, 2001 йилнинг ўзида стол тенниси бўйича Мадина Аюбова ва Саида Қодировалар Ўзбекистон чемпиони бўлган бўлсалар, Мадина Аюбова "Parij Open" мусобақасида 2-ўринни олишга сазовор бўлди. Вилоят терма жамоасини ташкил этган чустлик ўқувчилар эса Фарғона шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг стол тенниси бўйича ўтказилган баҳсларида республика босқичида 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Ҳозирда туманда катта теннисни ривожлантириш учун қўшимча 2 та кортдан иборат мажмуа қурилмоқда. Тумандаги марказий ўйингоҳ ҳам ёшлар ихтиёрига берилган. Ўйлаймизки, бугунги амалга ошираётган эзгу ишларимиз тез орада ёшларимизнинг турли нуфузли спорт мусобақаларида эгаллаган ғалабаларида акс этади. Зеро, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг, "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги фармони ҳам фарзандларимизнинг жисмонан бақувват, маънан соғлом бўлиб вояга етишишларини таъминлашда катта рағбат бўлади.

**Суҳбатдош С.ҲАСАНОВА**

# ҲАМКОРЛИК ШУНДАЙ БЎЛСА...

## ундан иккала томон ҳам манфаат кўради

*Фарзандлар камоли — юрт истиқболи. Шу боис ёш авлодни баркамол инсон этиб тарбиялаш ана шу замин келажаги, унинг тараққиёти хусусида бош қотирган жами инсонларнинг олий мақсади ҳисобланади. Ана шу мақсад сабаб бугунги кунда республика ҳукумати томонидан олиб борилаётган таълим тизимидаги туб ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, ёшларимизнинг илм-фан, спорт соҳаларидаги ютуқлари тобора яққолроқ акс этиб бормоқда. Бу борада Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод туманидаги 3-мактабда ҳам бир талай ибратли ишлар амалга оширилмоқдаки, буни ўқувчиларимиз билим кўрсаткичларининг ўсишида ҳам кузатиш мумкин.*

*— Мактабимизда олиб борилаётган таълим-тарбия жараёни, ўқувчиларимизнинг эришаётган ютуқлари мактаб, оила, маҳалла яъни жамоатчилик ришталарининг мустаҳкам боғланганлигига бевосита боғлиқ, — дейди мактаб директори Абди Туронов. — Доноларимиз "Ҳамкорликда ҳикмат кўп" дея бекорга айтишмаган экан. Бу нақлнинг нақадар теран маънога эга эканлигига биз бевосита ўз фаолиятимизда амин бўлмоқдамиз.*

*Дарҳақиқат, мактаб раҳбари таъкидлаганидек, доно фикрдан оқилона хулоса чиқариб, олий мақсад — баркамол авлодни камол топтириш учун ҳамжиҳатликда қилинган ҳаракат, албатта, бесамар кетмайди. Муҳими, бу ақидага ота-оналар, маҳалла-кўй ҳамда жамоат ташкилотларининг риоя қилиши, фарзандларимизнинг бекаму кўст таълим-тарбия олишлари учун имкон қадар кўмак беришларининг аҳамияти каттадир.*

*Маълумки, юртимизда куз фасли йиғим-терим мавсуми ҳисобланади. Шу боис, мактаб ўқувчилари ҳам бугунги кунда кўп йиллар давомида ўқувчиларнинг замон талаблари даражасида билим олишларига шароит яратиш мақсадида ўзининг беғараз ёрдамини аямай келаётган сахийқалб деҳқонлар томонидан етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, ўз вақтида йиғиштириб олишда ҳиссаларини қўшишмоқда. Албатта, мактаб ўқувчиларининг бундай ўзига хос ташаббусидан мамнун бўлган хўжалик деҳқонлари ҳам ўқувчиларга етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўплаб чора-тадбирларни амалга оширмоқдалар.*

*Эътиборлиси, "Мирсоат" деҳқон фермер хўжалиги раиси Б.Орипов томонидан ажратилган автомобиль ўқувчиларга холис хизмат қилаётган бўлса, Мавжуда Қорабоева раҳбарлигидаги "Акбаралибек" деҳқон-фермер хўжалиги мактабнинг 45 нафар фаол ўқувчиларига 500 сўмдан 1000 сўм миқдоригача бўлган маблағдаги дала стипендияларини жорий этган. Бундан ташқари "Янгиер дон маҳсулотлари" корхонаси пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ўқувчиларни бепул тушлик ва иссиқ овқатлар билан ҳам таъминлаб келмоқда.*

*Яратилган бундай шароитлар бир томондан ишнинг унумига таъсир қилса, иккинчи томондан йиғим-теримдан тушган маблағ эвазига ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланиши 100 фоизга етди. Албатта, бунда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликнинг аҳамияти катта.*

**Б.ЖОВЛИЕВ**

# ТИНЧЛИК КОРПУСИ: ЯНГИ ВАКИЛЛАР

**АҚШнинг Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси ташкил этилганлигига 10 йил тўлиши ва Америкадан юртимизга инглиз тилини ўргатиш учун, аниқроғи, вилоятлардаги мактабларимизда ўқитувчилик қилиш ниятини кўнглига туккан 45 нафар кўнгилли америкалик ўқитувчи педагогларнинг юртимизга ташриф буюргани муносабати билан Ўзбекистон Миллий театри биносида уларнинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**Маросим юртимиз ва АҚШ мадҳиясини куйлаш билан бошланди. Шундан сўнг Тинчлик корпуси кўнгиллиларининг дастлабки тайёрлов дастури директори Даниел Клауснинг барчани Тинчлик корпуси 10 йиллиги ҳамда кўнгиллиларни қасамёд маросими билан табриклади.**

**Пойтахтимиздаги 304-боғча болаларининг бадиий чиқишдан сўнг эса, Тинчлик корпуси директори Фред Грегори Тинчлик корпуси олиб бораётган ишлар ва шу вақтга қадар Ўзбекистонга келиб кетган кўнгиллилар ҳақида сўзлаб, жумладан шундай деди:**

**— 10 йил давомида Ўзбекистонга 400 нафардан ортиқ кўнгилли ўқитувчилар келиб, ўзбек ёшларига инглиз тилидан сабоқ бердилар. Улар ўзбек оилалари билан бирга яшади, уларнинг турмуш тарзи, урф-одати билан яқиндан танишди. Ва албатта Америкага Ўзбекистон ҳақидаги олам-олам таассуротлари билан қайтдилар. Мана ҳозирги кўнгиллилар гуруҳи 14-гуруҳ, аминманки, улар ҳам Ўзбекистондан илиқ таассуротлар билан қайтади.**

**Шунингдек, ХТВ вакиллари А.Зокиров ҳамда Б.Шамсиевлар ҳам сўзга чиқиб, кўнгиллиларни Ўзбекистонга келганлари билан қизғин қутлади.**

**Кўнгиллилар Сафиа Жавед ва Кристофер Смитлар чалган мумтоз мусиқаларимиз ва қисқа вақт ичида мусиқамизнинг турли йўналишларини оз бўлса-да эгаллаб олган бу икки кўнгилли олқишларга кўмилди.**

**Ниҳоят, АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хербстнинг рафиқаси Хербст хоним кўнгиллиларга муваффақият тилаб, улар номидан қасамёд қабул қилганидан сўнг маросим якунланди.**

**А.МУХТОРОВ**

# МАЛАКА ОШИРИШ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Tadbir

*"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таъкидланган таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантиришни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги амалга оширилаётган ишларни такомиллаштириш мақсадида яқинда Янгийўл туманидаги 45-мактабда Тошкент вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан "Умумтаълим мактабларининг ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор муовинларини касбга йўналтириш" мавзусида мақсадли курс ўтказилди.*

*Мазкур курснинг анъанавий малака ошириш курсларидан фарқи шундаки, унда нафақат маърузалар ўқилди, балки тингловчилар билан профессионал тренинглар ўтказилди. Тумандаги айрим мактабларнинг илғор тажрибалари билан таништирилди. Эътиборлиси, ушбу курснинг ўқув режасида "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълим муассасасини бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари, мактаб ички бошқарув тизимида раҳбарнинг ўрни, бошқарув услуби, маънавияти, раҳбарлик фазилати, педагог ходимларни узлуксиз таълим талабларини амалга ошириш ва қайта тайёрлашда раҳбар вазифаси, миллий истиқлол мафкурасини ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим ва тарбиянинг ўрни мавзулари бўйича тренинг ва давра суҳбатларида ҳар бир тингловчи ўз фикр-мулоҳазалари билан бир қаторда ҳозирда бу борада бажараётган ишлари, режалари билан ўртоқлашдилар.*

*Ўқув курсида ТВПҚТМОИнинг ўқув ишлари бўйича проректори Э.Зарипов, доцент ва катта ўқитувчи А.Акмалов, О.Тожиев ва бошқалар ўз маърузалари билан қатнашдилар.*

**Ш.ҲОШИМОВ,**
**ТВПҚТМОИнинг катта ўқитувчиси**

E'zoz

# УСТОЗ ИЛМИ — БУЮК САОДАТ

*Бундай ўйлаб қарасангиз, ўқувчилик ва талабалик йиллари илм олишнинг энг мароқли давридир. Сизу бизнинг жажжи қўлларимизга қалам тутқазиб, битталаб ҳарф танитган ҳам меҳрибон ўқитувчиларимиз — қалби дарё устозларимиз бўлади. Инсон боласи дунёга келиб даставвал меҳр ва тарбияни ота-онадан олса, таълимни эса устоздан ўрганади. Ота-онамиз ардоқ билан ўстириб дунёни кўрсатса, меҳрибон устоз қалб кўзимизни очиб, оламни танитади. Ота-она меҳри танимизга ҳаво бўлиб кирса, устоз муҳаббати юрагимизда қонга айланади. Бу қон бизни яшашга чорлайди, орзулар чаманига етаклайди. Биз фақат шу туфайлигина ўткинчи умримизни қувончларга буркаймиз, инсон бўлиб яралганимизга ва ақлу заковатимиз борлигига шукрона айтамиз.*

*Бир куни Искандар Зулқарнайндан:*

*— Сен устозингни онангдан кўра яхшироқ ҳурмат қилар эмишсан, шу ростми? — деб сўрабдилар.*

*— Ҳа, — деб жавоб берибди Искандар, — онам мени йўқлик осмонидан олиб тушдилар, устозим эса ердан кўкка кўтарди.*

*Устоз ҳақида Бузрукмеҳрдан сўрабдилар:*

*— Нима учун устозингни отангдан афзалроқ ҳурмат қиласан? — деганларида у:*

*— Чунки отам мени ўткинчи ҳаётга олиб келди, устозим эса боқий ҳаёт бағишлади, — деб жавоб беради.*

*Ҳақиқатан ҳам устоз илм бериши билан кишининг номини улуғлаб, авлодлар оғзида қолдиради ва иккинчи ҳаёт бағишлайди.*

*Илм — андоқ ганжи нофеъдур бани одамғаким,*
*Кимда ул бўлса, икки олам бўлур обод анго, —*
*деганларида Огаҳий ҳазратлари минг чандон ҳақ эдилар.*

**Биз ким эдик дунёда,**
**Агар устоз бўлмаса.**
**Бўлмас эдик зиёда —**
**Агар устоз бўлмаса.**

**Нур-зиёга бой бўлган,**
**Шу устозлар бор бўлсин!**
**Доим бизга интилган —**
**Қалби шодликка тўлсин!**

**Устоз борки, оламнинг**
**Бор шодлиги биз тараф.**
**Устоз борки, одамнинг**
**Бахти турар яркираб.**

**Устоз илмин бир умр,**
**Дилда эъзоз этайлик!**
**Доим айтиб ташаккур —**
**Мангу бахтга етайлик!**

*Ҳа, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида "Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар (126)" ёки "Ҳар бир мусулмонга талаби илм қилиш фарздир (334)", дейилади. Биз ёруғ жаҳонда мангу бахт излаб, комил инсон бўлишни истар эканмиз, фақат ва фақат устозлар илми туфайлигина бундай орзуга эриша оламиз. Ўтаётган ҳар кун ва ҳар дақиқа биздан устозларга нисбатан садоқат ва ҳурмат билан хизмат қилишни, эъзоз ва муҳаббатда бўлишликни тақозо этади. Шуни унутмаслик кераккки, илмни, устозни эл ҳам, замон ҳам эъзозлайди. Устознинг розилигини олган, дуосида бўлган шогирдлар ҳеч қачон кам бўлишмаган. Бизлар ҳам бир кун келиб, етукликка етамиз, устоз бўламиз. Фурсатдан фойдаланиб, шуни айтмоқчиманки, устозлар бахти, уларнинг шуҳрати ва боқий умри бизларга ҳам насиб этсин! Ўша бахтиёр ва унутилмас кунларга ёруғ юз билан етиш ҳар биримизнинг доимий шиоримиз бўлиб қолсин.*

*Илоё, азиз устозларимизга мўътабар мураббийлик тахти, бизларга эса шарафли шогирдлик бахти ёр бўлсин!*

**Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси**

Xotira

# "АНДА ЖОНИМ ҚОЛДИ МЕНИНГ"...

**Дўстим, андижонлик марҳум ўқитувчи Гулнозахон Зоҳидова хотирасига**



Киндик қони тўкилган, беғубор болалиги ўтган, жондан азиз Ватанидан йироқда, бир умр бегона юртларда яшаган Мирзо Бобур "Анда жоним қолди менинг", дея бағри эзилиб, ўз тупроғини, она ерини соғинганлигини шу биргина жумлага жойлагандек, гўё. Мен эса дили дилимга яқин, сўзи сўзимга яқин дўстимни университетни тугатиб Андижонга, ўз уйига кузатганимдан буён шу сатрни тез-тез такрорлайман. Бир марта ҳам бориб кўрмаган бўлсам-да, у диёр менга шунчалар қадрли эди-ки...

Баъзан мендан "Андижондан эмасмисиз?" деб сўраб қолишади. "Йўқ, аммо мен билан бирга 5 йил таҳсил олган энг яқин ўртоғим андижонлик эди", дейман шодланиб. Мана шу каби суҳбатлар уни баттар соғинтиради. Қайта-қайта сўзлагим келади у ҳақда. Бир йил аввал эса ундан қисқагина мактуб олдим...

Такрор-такрор, йиғлаб-йиғлаб, сатрларини ўпиб-ўпиб ўқидим. "Ҳижрон тугар, дийдор яқин, аммо бу ҳақда ўйламоқдан ҳам қўрқаман...". "Сенга жуда кўп хат ёздим, аммо ҳеч якунлай олмадим". Бу жумлаларни дилимда такрорлаб юриб бир йилни ўтказиб юбордим...

Шу йил кўкламнинг сўнгги кунида бундан 10 йил аввал журналистика факультетини тамомлаган собиқ сабоқдошлар йиғиладиган бўлдик. Бўлса-бўлмаса уни шу куни келади, деб умид қилдим. Учрашув куни белгиланиб, пойтахтда ишлайдиганлар бу ҳақда эълон ҳам бердик. Сабрим чидамай ўртоғимга телеграмма юбордим. Учрашувдан бир кун олдин узоқ Сурхондан етиб келган дугонам Дилфуза мени бозорга судради.

Ижодкор эмасми, Дилфуза тушмагурнинг бозордан олдин, нашриётга кириб ўтгиси келиб қолди. У ердан эса жуда тез чиқди ва "мен бир ёмон хабар эшитдим" деди. Ичимда бир нарса чирт этиб узилгандек бўлди. Машинага ўтирдик. Мишмиш, мен, тўғрироғи, биз сабрсизлик билан кутаётган Гулноз келмасмиш, кела олмасмиш, йўқмиш энди у. Кетма-кет кўрган тушларим тескарисидан келганди. Ахир уни тушларимда ўзим кутиб олардим.

Тушгача эса бор ҳақиқат аён бўлди. Ҳақиқат аччиқ эди. Кутилмаган эди. Совуқ эди. Аммо ишониш...

Уйга қандай қайтиб келдим, Дилфуза билан нималарни алжирадик, болаларимга нима едирдим, эслай олмайман. Умр йўлдошим ҳам бирга сабоқдош эди. У биз икки дугонани ўзимизга келтирди. Гулноза яхши, беғубор, қувноқ қиз эди. У ҳам бу учрашувни интизорлик билан кутгандир. Байрамимизни байрамдек ўтказсак, менимча, унинг руҳи ҳам шод бўлади, дедилар. Ғижимланган кўйлаклар қайта дазмолланди. Аммо кўнгил ғижим бўлиб, эртаси қадрдон университет биносига йиғилдик. Эҳ, сабоқдошларим-а. Улар бу нохуш хабарни эшитгач, тузукроқ ҳол-аҳвол ҳам сўраша олмади. Уни ҳаммамиз бирдек яхши кўрардик... Курсимиз, ўқитувчиларим билан бирга 5 йил таҳсил олганимиз — аудиторияга кирдик. Ва энг яхши, энг одобли, энг қувноқ қиз, айни кунда 33 ёшли жувоннинг хотираси учун тиловат қилинди...

***

Ойлар ўтиб, фурсат етиб Назира исмли қўқонлик дугонам билан Андижонга бориб келдик. Мен беш йил бирга ўқиб, дўстимнинг юртига келмоққа имкон тополмагандим. Гулноз эса ўқишни битириб, уйига қайтар маҳали: "Армоним — сени Андижонга ололмадим" деганди.

Машина манзил томон тобора яқинлашаркан, алам бағримни ўртайди. Келар эканман-ку, имкон ҳам топиларкан-ку. Ҳайҳот, шу фожеани кутдимми?! Ичимдан бир овоз: "Сен кўп келдинг. Буни бир эсла" дейди.

Эслайман.

Рост, мен бу ерга кўп келдим хаёлан. Айниқса ундан хат олмай қўйганимда. Ўзимча гоҳ ўғлининг суннат тўйига, гоҳ у ишлайдиган мактабга, гоҳо у яшайдиган ҳовлига кириб бораман гўё.

Ана... у тўй ташвиши билан югуриб юрибди. Кимни кутиб олган, кимни даврага ўйинга тортган. Шунда мен пайдо бўламан. Шартта микрофонни олиб сўзлай бошлайман. У эса овоз келган томонга қараб, довдираб қолади...

Мана у синфда дарс ўтаяпти. Балким шеър ўқиб бераяпти. Шунда синф эшиги тақиллайди. Эшикни очган ўқувчиси уни бир аёл сўраётганини айтади. Мен эса кутиб ўтирмай ичкарига қадам босаман. Ана тўполон. Кап-катта аёллар бир-бирини шодликдан ура кетишади. Хаёл бирам ширин-ей. Яхшиси, тўппа-тўғри ҳовлисига кириб бораман. Дам олиш куни уйида бўлади-да. Масалан, нон ёпаётган бўлади (Негадир уни кўпроқ тандир олдида тасаввур қиламан...). У нон ёпаяпти. Дарвозадан кириб унга тикилиб тураман ва "Чапа" деб овоз бераман. У ўгирилади. Не кўз билан кўрсинки, ҳеч қачон уйига олиб келолмагани, ўша шўх-шодон, қайсар дўсти қаршисида турибди.

Аммо булар бари хаёл. Хаёлки, орзуга, армонга тўла...

Мана шу эшик, Назиранинг turткисидан ва машина тормозидан ўзимга келдим.

Кўримсизгина, оддийгина дарвоза ичкарига — Гулнознинг ота ҳовлисига қалтираб қадам босаман. Қани энди барчаси ёлғон бўлса. Даҳшатли англашилмовчилик барчаси. Опасию келинлари хай-хайлашиб қолишса. "Вой-вой, ҳой Дилноз, чоп, югур, аммангни чақир. Тошкентдан дугоналарингиз келди де. Вой, қизларим-ей, қайси шамол учирди", деб чиқиб келса Азиза ая.

Йўқ, ундай бўлмади. Аям бизни бўзлаб кутиб олди. Қадди ғамдан чўккан отаси эса сўз ҳам тополмади айтмоққа. Фақат кўришаётганда, елкалари силкиниб-силкиниб тушди.

Бу ёғига сўз ожиз...

Бор аламимни унинг қишлоқдош, сирдош дўсти, бизга ҳам таниш Носирадан олдим.

— Нимага индамай унга ўлишга қўйиб бердингиз? Мен эса етиб келганимда уни олиб қола олардим.

— Олиб қола олардингиз, — Носира мени қувватлайди. — Сизларни жуда соғинганди у. Юракдаги армон уни емирди. Дарди тушунуксиз эди. Ожизлик қилди ўртоғим. Бир куни ўтди-кетди.

Ҳаммамизнинг ўз ҳаётимиз, ташвишимиз бор. Кетиш қанчалар оғир бўлмасин, уйга шошиламиз. Бизни туман марказигача кузатиб келган Носира қаттиқ қучди. Машинага ўтирар чоғимизда, кўзларимиздан ёш қуйилиб кетди. "Гулноз сизлар билан кетаяпти. Уни олиб кетаяпсизлар. Ўша ўзи тез-тез қўмсайдиган талабаликка қайтариб кетаяпсизлар", — Носира оғир ютинади. Бу ёлғончи дунёда чин дўст топмоқ душвор. Мен эса бу борада анча омадли чиққандим. Яратган мени азим Шошда ана шундай чинакам ўртоқ билан учраштирганди. Биз бир-биримизни осонгина тушунардик. Меҳрибончилигимиз тилимизда акс этмаса-да, дил-дилимиздан бир-биримизни жуда аярдик.

Мен отасиз эдим. Ёлғиз онамнинг ҳар ҳафта бериб юборадиган пулини баъзан ёшлик қилиб тез ишлатиб қўярдим. Гулноз чўнтагимнинг астари кўриниб қолганини қайдан сезарди, билмайман. Эртаси ё дафтаримнинг ичида, ё сумкамда 3 сўмми, 5 сўмми пайдо бўлиб қоларди. "Бойиб" кетганимда қайтарардим ва кун келиб бу ҳол яна такрорланарди. Ана шундай танти, қўли очиқ эди менинг дўстимнинг.

Энг қизиғи дарсларда тез-тез ёзиб олганларимни ўзим баъзан тушунмасдим. "Гулноз манаву нима". Тавба, у дарҳол ўқиб берарди, қинғир-қийшиқ битилган сўзларни. Ва қотиб-қотиб, беғубор куларди. Қўнғироқдек жаранглари кулгуси ҳам.

Менинг барча ўжарлигу инжиқлигимни кўтарарди. Мен эса уни ҳаммадан қизғонардим. Қизғониб-қизғониб бой бердим уни...

***

Қодир худойим ўзи хуш кўрган оқил бандаларини бирор гуноҳ қилиб қўймасликларидан чўчирканми, уларни тезроқ олиб кетаркан. Ҳа, унинг руҳи жаннат боғларида учиб юриши, ором олажагига умид қилмоқдан ўзга чора йўқ.

Зеро, ҳаёти ҳам изсиз кетмади. Ундан икки Гулноз қолди. Ўзи жон куйдириб ишлаган Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги ўқитувчилар учун ажойиб педагогик тажрибалари қолди. Ундан ёш ўқитувчилар ҳали кўп фойдаланади.

Ҳаммадан ҳам мана шундай яхши, унутилмас хотира қола бермайди-ку! Инсонни қандай яшагани, қанча умр кўргани билан эмас, қандай эзгу ишлар қилгани билан ўлчанади, дейди фозиллар.

**Мавлуда АНОРБОЙ қизи**

## АҚШ КЕМАЛАРИ ФОРС КЎРФАЗИДА

**АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг энг оғир юк ташувчи транспортларидан ҳисобланмиш "Беллатрикс", "Боб Хоуп" ва "Фишер" кемалари Форс кўрфази томон йўлга чиққан. Денгиз кучлари қўмондонлиги вакили Марж Хольтцнинг айтишича, бу ҳаракат қўшинларни ва техникаларни терроризмга қарши тайёрлашнинг бир қисмидир. Ўтган ҳафта якунида эса Американинг Сан-Диего шаҳридан Форс кўрфази томон 72 та самолётнинг ҳаракатланишига хизмат қила оладиган "Констелейши" авианосеци бошчилигида 7 та жанговар кема ҳаракатланган эди. Бугунги кунда Бағдодга қарши операция ўтказишга уринаётган Қўшма Штатларнинг бу ҳаракати ҳарбий амалиётнинг бошланиш муддати яқинлашаётганидан далолат беради.**



## ЗАҲИРАДАГИ ҲАРБИЙЛАР ЧАҚИРИЛМОҚДА

**"Daily Telegraph" газетасининг хабар беришича, яқин ҳафталар ичида Буюк Британия ҳукумати 10 минг нафарга яқин заҳирадаги ҳарбийлар учун Ироқ операциясига тайёргарлик кўриш мақсадида сафарбарлик эълон қилади. Одатда заҳирадагилар ҳар 2 йилда бир маротаба 6 ойлик ҳарбий хизматни ўтасалар, эндиги гал уларнинг хизмат муддатлари узайиши мумкин. Британия мудофаа вазирлиги вакилининг фикрича, бу галги сафарбарлик аввалгиларидан талабчанроқ тарзда кечади ва хизматдан бўйин товлаганлар билан полиция шуғулланади.**



**Эслатиб ўтамиз, расмий Лондон Вашингтоннинг энг яқин иттифоқчиси бўлиб, АҚШ томонидан илгари сурилаётган Ироққа қарши ҳарбий амалиёт ўтказиш режаси тарафдори.**

## БЕРЕЗОВСКИЙ ЗАКАЕВНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДА

**Россиялик магнат Борис Березовский Нью-Йоркда жойлашган ўзининг "Фуқаро эркинлиги жамғармаси" ҳисобидан Аҳмад Закаевни ҳимоя қилиш учун адвокатга пул тўлашини маълум қилди. Россия ҳукумати томонидан молиявий жиноятларда айбланаётган Березовский ўз ҳимоясига олмоқчи бўлган Закаев Данияда ҳибсга олинган. У бутунжаҳон чечен конгрессида иштирок этиш учун борганида, Россия сўровига мувофиқ ҳибсга олинган эди. Лекин, Дания тарафи унга қўйилган айбловлар етарли даражада асосли бўлмаганлиги учун Закаевни Россия ихтиёрига беришни рад этган. Аҳмад Закаев Москва воқеаларида айбланаётган шахслардан ҳисобланаётган бўлса-да, лекин, унинг ўзи бу айбловларни рад этган. Лондонда яшаётган Березовский эса уни айбсиз ҳисобламоқда.**



## ТЕЛЬ-АВИВДА ТЕРРОР

**Исроилнинг Тель-Авив шаҳри яқинидаги Кфар Саба шаҳарчасида юз берган портлаш туфайли 3 киши ҳалок бўлиб, 15 дан ортиқ киши жароҳатланган. Кфар Саба Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги фаластинликларнинг Калькилия шаҳрига қарама-қарши жойлашган бўлиб, камикадзенинг ўз ичига яширган портловчи моддани ишга солиши электр жиҳозлари сотиладиган магазин ёнида юз берган. Ундан аввалроқ ҳам худди шундай ҳолат Наблус шаҳрида кузатилган эди.**



## САТУРН ПЛАНЕТАСИ СУРАТИ

**Фазо тадқиқотлари билан шуғулланувчи NASA ташкилотининг "Кассини" кемаси Сатурн планетаси туширилган фотосуратни Ерга узатишга муваффақ бўлди. Сурат 285 млн. км. масофадан олинган бўлиб, режага мувофиқ "Кассини" Сатурнга 2004 йилнинг июль ойида етиб бориши керак. 1997 йилнинг октябрь ойида ўз парвозини бошлаган "Кассини" 2 йил аввал Юпитер суратини олишга муваффақ бўлган эди. Сатурн планетаси бўйича "Кассини"дан аввал "Вояжер-2" кемаси миссия бажарган бўлиб, унинг фаолияти космос соҳаси тарихида муҳим омил бўлиб қолган.**



## ЯМАНДА ТЕРРОРЧИЛАР ЎЛДИРИЛГАНМИ?

**Вашингтондан келаётган хабарларга кўра, Марказий Разведка Бошқармаси Яман давлатидаги автомобил портлатилишига алоқадор. "Ал-Қоида" ташкилоти аъзолари кетаётган дея тахмин этилган автомобилга АҚШнинг учувчисиз бошқарилувчи самолётидан келиб теккан ракета туфайли, машина ичидаги 6 кишининг барчаси ҳалок бўлган. Гарчи, марҳумларнинг номи айтилмаётган бўлса-да, Разведка бошқармасининг маълумотларига кўра, улар орасида 2000 йилнинг октябрь ойида Аден портида турган "Коул" авианосецига ҳужум уюштиришда айбланган Али Сеньян ал-Харети бор эди. Лекин, Разведка бошқармаси бунга ўз муносабатини билдирганича йўқ.**



**"Интернет" тармоғидан олинди.**

# БОЛА — КЎЗГУ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

*Тўрақўрғон туманининг Қашқаргузар маҳалласида яшовчи 1985 йилда туғилган А.Азизов эса Дукат маҳалласида яшовчи М.Турсуновнинг уйидан 250 минг сўмлик турли хил кийим-кечакларни ўғирлаб кетган ва бу билан ўзи ўқиётган 11-касб-ҳунар мактаби шаънига доғ туширди.*

*Поп шаҳридаги Тинчлик кўчасида яшовчи 1985 йилда туғилган У.Рустамов ўқишни ҳам йиғиштириб қўйиб, "тараллабедод кўчаси"га кириб кетди. Бу кўчада юриб у фуқаро Б.Азизовнинг новвойхонасига келиб қолди ва унинг йўқлигидан фойдаланиб, савдодан тушган 150 минг сўм пулини ўмариб кетди.*

*Биз мазкур жиноий ҳолатларни бирма-бир таҳлил қилдик. Ўғирлик содир этган болаларнинг турмуш тарзини, ота-онасининг шарт-шароитларини ўргандик. Бундай ҳолатлар қайта содир этилмаслиги учун маҳалла, мактаб ва коллежларда ўқувчилар томонидан содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолати атрофлича муҳокама қилинди. Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ишловчи профилактика инспекторларимизга алоҳида кўрсатмалар бердик. Аммо, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўсмирлар томонидан содир этилаётган ўғирликларнинг аксарияти тунда содир этилмоқда. Демак, бунда ота-оналарнинг ярим кечаси боласининг қаёқда юрганига парво қилмаслиги, қаерга бориб нима иш қилиб келганини сўраб-суриштирмаслиги ҳам сабаб бўлган, дейишимиз мумкин.*

*Шу боис, биз маҳаллаларда ота-оналарни йиғиб, фарзандларига эътиборлироқ бўлишларини, келажаги учун қайғуришлари зарурлигини уқтираяпмиз. Аммо, минг афсуски, бу борада жамоатчиликнинг имкониятлари тўлиқ ишга солинмаяпти. Фалончининг ўғли жиноят қилибди, менга нима, деб йиғилишларга келмаётган, болалар тарбиясига оид жиддий масалалар муҳокама қилинаётганида, қўшнимнинг боласининг айбини айтсам мендан хафа бўлиб қолади, деб уларнинг пана-пастқамда ўртоқлари билан сигарета тутатишини кўриб жим турганлар ҳали жуда кўп. Бу эса ўз навбатида фарзандларимиз нотўғри йўлга илк қадам қўйганида олдини олишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда бир гап. Бола — кўзгу. Бу кўзгуда боладан кўра кўпроқ ота-онанинг юзи кўринади. Шунинг учун маҳалла-кўйда ҳам фалончи жиноят қилибди, демайди, фалончининг ўғли жиноят қилибди, дейишади. Буни эса ҳар бир ота-она яхши англаб олиши зарур, деб ўйлайман.*

*Ички ишлар идоралари тизимларида ўтказилаётганислоҳотлар туфайли илгариги "участковой"лар ўрнида бир эмас, бир нечта профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишаётганини барчамиз биламиз. Лекин, мана шу профилактика инспекторлари орасида вояга етмаганлар билан ишловчи инспекторлар ҳам борки, улар ҳар бир маҳаллада ўсмирлар ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш, мактаб, лицей, коллеж ва бошқа таълим масканларида ўқувчи ёшлар орасида ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ёшларни аниқлаб, уларни, аввало ўқув масканларида муҳокама қилиш ишлари билан шуғулланишади. Шунингдек, улар ўзларининг хулқлари билан фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар билан суҳбатлар ўтказишади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 16 майда чиқарилган 162-сонли қарори ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки, мазкур қарорда ички ишлар идораларининг энг қуйи тизими ходимлари бўлган профилактика инспекторларига яна бир ёрдамчи педагог-тарбиячи штати киритилди. Бу эса вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда нафақат профилактика инспекторларига, балки ҳар бир маҳаллада, ўқув масканида тарбияси оғирроқ, яъни, "қулоқсиз" болаларни тарбиялашда муҳим рол ўйнайди.*

*Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида "Ўсмир", "Келажак авлод" каби шартли номланган кенг қамровли тадбирлар ўтказилди. Мазкур тадбирларда адашиб қолган ва дарбадарлик билан кўча-кўйларда қаровсиз ва назоратсиз юрган 1,5 мингдан зиёд вояга етмаган ёшлар аниқланди. Уларнинг ҳар бири атрофлича ўрганилганда, уларнинг тарбияси билан шуғулланмай болаларини ўз ҳолига ташлаб қўйган, ўз хулқлари билан салбий таъсир кўрсатиб келган 200 дан зиёд ота-оналар аниқланиб, ҳисобга олинди ва ходимларимиз томонидан улар билан профилактик ишлар олиб борилди.*

*Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этишга мойил бўлган 343 нафар вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналарига нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли комиссияларга юборилди.*

*Хуллас, бола тарбияси ҳар доим ўзига алоҳида эътибор талаб қилиб келган. Шу боис, уларнинг тўғри бўлишида ҳам, ўғри бўлишида ҳам ота-онанинг, маҳалла-кўйнинг, таълим масканларидан тортиб барча кенг жамоатчиликнинг роли беқиёс. Шу боис, биз зиммамизга юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга интилаяпмиз ва буни ходимларимиздан ҳам талаб қилаяпмиз.*

**Шуҳрат РЎЗИЕВ ёзиб олди.**

## ТАЪТИЛДА ЯКУНЛАНАДИ



Яқинда пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги "Истиқлол" стадионида "Умид ниҳоллари" мусобақасининг 2-босқич очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тумандаги барча мактабларнинг 1-4-синф ўқувчиларидан ташкил топган гуруҳлари фаол иштирок этиб, 191-, 249-, 10-, 14-спорт мактабларининг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди.

Таътил кунларида эса енгил атлетика, миллий ўйинлар, югуриш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилиши давом эттирилади ва кузги таътилда якунланади.

**Маҳмуда ВАЛИЕВА, "Ma'rifat" мухбири**

## ЖУМБОҚЛАРГА ТЎЛА САЙЁРА

**Koinot sirlari**

*Коинотдаги барча биз кўриб, идрок қилиб турган сайёралар ичида Марс кўп асрлардан бери турли соҳа мутахассислари, астрономларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Марс тўғрисида кўплаб турли фантастик роман, қисса, ҳикоялар ёзилган. Жаҳоннинг минглаб машҳур олимлари тунлари уйқудан қолиб, турли замонавий асбоб ва аппаратлар орқали Марсни мунтазам кузатганлар..*

*Машҳур олим Иоганн Кеплер сайёралар ҳаракатининг учта қонунини кашф қилганидан сўнг, уларнинг шакллари, ҳажмлари ва бошқа мураккаб масалаларни ҳисоблашга кенг йўл очилди. Кеплер томонидан чиқарилган Марс орбитали элементларининг ҳисоби ҳозирги замонникидан жуда ҳам кам фарқ қилади. Ер Қуёшдан 150 млн. километр узоқда бўлса, Марс эса Қуёшдан ўртача 228 млн. километр узоқдадир. Кўриниб турибдики, Марс сайёраси Қуёшдан Ерга нисбатан 1,5 баробар узоқда, шунинг учун у Ерга нисбатан 2,3 марта кам ёруғлик ва иссиқлик олади. Марс ҳар 15-17 йилда бир марта Ерга энг яқин масофада — 56 млн. километрда бўлади, айрим йиллари эса 100 млн. километр узоқлашиб ҳам кетади. Шу вақтларда олимлар Марсни тинимсиз кузатишни давом эттирадилар. Агар Ерда бир йил 365,25 сутка бўлса, Марсда эса бир йил ўрта ҳисобда 678 суткани ташкил қилади. Марс ҳам Ер каби ўз ўқи атрофида айланади. Унинг кўриниш шакли уч ўқли эллипсондни эслатади. Марснинг 2 та табиий йўлдоши бор. Биринчи номи Фобос (қўрқинч), иккинчиси Деймос (даҳшат)дир. Фобоснинг ҳажми 27х20 километр, Деймос эса 15х11 километрга тенг. Бундай аниқ маълумотлар биринчи марта АҚШнинг 1971 йил Марс сайёрасига учирган "Маринер-9" сайёрalараро автоматик станцияси юборган ҳисобларга асосланган. Ҳозир ҳам "Маринер-9" Марснинг сунъий йўлдоши сифатида керакли турли ахборотлар ҳамда минглаб телетасвирлар ва суратларни Ерга юбормоқда.*

*АҚШ кейинги 20 йил ичида Марс сайёрасини чуқур амалий ўрганиш учун "Маринер-10", "Викинг-1" ва "Викинг-2" сайёралараро автоматик станцияларни учириб, керакли маълумотларни аниқ далил асосида тўплаб илмий-амалий хулосага келди. Яъни, Марсда ҳеч қандай тирик мавжудот йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки Марс атмосферасининг 97 фоизи $CO_2$ (карбонат ангидрид) газидан, 1,5 фоизи азот, 1,5 фоизи аргон газидан ташкил топган. Атмосфера босими Ерга қараганда 100 марта кам бўлиб, у ерда сув+2 градусда қайнайди. Планета юзини асосан ўта заҳарли газлар қоплаганлиги тирик мавжудотнинг бўлишига шароит, имконият туғдирмайди.*

*Келгусида Марс сайёрасини ўрганиш учун парвоз қиладиган астронавтлар албатта махсус скафандрада бўлиши шарт; акс ҳолда улар сочилиб кетишлари мумкин, чунки Ерда оғирлигимиз 90 килограмм бўлса, Марсда вазнингиз камида 650 мартага камайиб, тахминан 135 граммга тенг бўлиб қолиши мумкин.*

*Эҳтимол келажак астронавтлари излаб, бирор тирик мавжудот авлодининг қолдиғини топишар, буни вақт кўрсатади. Ҳозир олимларнинг фикрича, Марсга 2012-2015 йилларга бориб, парвоз қилиш имконияти бўлиши мумкин. Парвоз харажатлари камида 50 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади.*

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

## ЯНГИЕРЛИК БОЛАЛАР ҒОЛИБ

**Аввал хабар қилинганидек, Гулистон шаҳрида футбол мактаб-интернатларининг 1986-1987 йилда туғилган ўқувчилари ўртасидаги финал мусобақалари бўлиб ўтди.**

**Олти кун давом этган учрашувларда ёш футболчилар ўз маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Бу учрашувларда Янгиер, Ангрен, Бухоро, Термиз мактаб-интернатлари яхши кўрсаткичларга эришишди.**

**Барча учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказган Янгиер жамоаси 1 ўрин учун беллашувда Ангрен жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, мусобақа чемпиони бўлди.**

**Учинчи ўрин учун Бухоро ва Термиз жамоаси беллашувида 2:0 ҳисобида бухороликлар ғалаба қозонишди.**

**Куни кеча кичик ёш гуруҳидаги мусобақаларга старт берилди. Бу учрашувлар 10 ноябргача давом этади.**

**Ғ.МАННОПОВ**



## СОВРИНДОР ПИАНИНОЧИЛАР

*Яқинда Италиянинг Агрополи шаҳрида "Ле-Музе" мусиқачилар Ассоциацияси томонидан XXV Халқаро пианиночилар танлови бўлиб ўтди. Танловда Япония, Румыния, Франция, Испания, Россия, Қозоғистон, Польша, Италия, Португалия, Литва, Греция, Украина ва Ўзбекистондан 37 та иштирокчи қатнашди. Танлов 2 қисмга бўлиб ўтказилди. 1-қисмда 20 ёшдан 30 ёшгача, 2-қисмда эса энг кичик ёшдан 20 ёшгача бўлган ёш пианиночилар иштирок этди. Ўзбекистонда Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб — интернатининг 5-синф ўқувчиси Тамила Салимжонова (устози — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Т.Попович), мазкур мактабнинг 9-синф ўқувчиси Самара Темурова (устози — профессор Д.Хўжаева), Ўзбекистон давлат консерваториясининг 2-курс талабаси Гўзал Тагиева (устози — О.Юсупова) муваффақиятли иштирок этдилар. Танловнинг ягона 1-даражали "Тито-Апреа" совринига энг кичик гуруҳ орасида ёш пианиночи Тамила Салимжонова сазовор бўлди. Кичик гуруҳ бўйича 2-ўрин Самара Темуровага, катта гуруҳ ичида фахрли 3-ўрин эса Гўзал Тагиевага насиб этди. Агрополида бўлиб ўтган бу халқаро танлов ўзбекистонлик мусиқачиларга катта ғалаба келтирди.*

**Мухтасархон КАРИМОВА**

## ТАЛАБАЛАРГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

**Фарғона вилоятида талабалар спорт уюшмаси тузилиб, ўз фаолиятини бошлаб юборди. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги ўқув юртлари жамоалари ҳамда талаба-ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, мусобақалар уюштириш ва уларни юксак савияда ўтказиш, шунингдек, спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш уюшманинг асосий вазифалари сирасига киради.**

**Аваз ҲАЙДАРОВ**

## ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

Самарқанд Давлат чет тиллар институтида шахмат бўйича шаҳар очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада олий ўқув юртлари, лицейлар, мактабларнинг 200 нафардан ортиқ иштирокчилари қатнашдилар. Талабалар ўртасида бўлиб ўтган қизғин баҳсларда СамДУ толиби С.Холмўминов, қизлар орасида чет тили институти талабаси Н.Насриева энг кўп очко тўплаб, совриндор бўлишди. Лицей ўқувчилари ўртасида ўтказилган баҳсларда эса СамДУ қошидаги физика ва математика лицейи ўқувчиси А.Акрамов, кооператив олийгоҳи қошидаги бизнес мактаби ўқувчиси А.Холиқуловлар биринчиликни эгаллашди. Мактаб ўқувчилари ўртасида эса Самарқанд шаҳридаги 45-мактабнинг ўқувчиси А. Саидов, қизлардан 2-мактаб-интернатининг ўқувчиси С.Рофиевалар ғолиб чиқдилар. Ғолибларга ҳомий ташкилотларнинг совринлари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

**М. АҲМЕДОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази жамоаси Марказнинг ишлар бошқармаси етакчи мутахассиси

**Саодат АБДУЛЛАЕВА**нинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оиласига, қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилиб, ҳамдардлик билдиради.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази жамоаси мазкур Марказнинг бўлим бошлиғи

**Исмат ТЎХТАШЕВ**нинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази ишлар бошқармасининг етакчи мутахассиси

**Саодат АБДУЛЛАЕВА**нинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг яқинларига таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг бўлим бошлиғи

**Исмат ТЎХТАШЕВ**нинг

бевақт вафоти муносабати билан оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси Зомин туман халқ таълими бўлими мудири М.Юлдашевга отаси

**ОМОН бобо**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси Ғаллаорол туман халқ таълими бўлими мудираси З.Қосимовага онаси

**САОДАТ ая**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Э.Пардаевга отаси

**ПАРДА бобо**нинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги халқ таълими Бош бошқармаси, Ҳамза тумани ҳокимлиги халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ҳамза тумани халқ таълими бўлими туман услубиёт хонасининг услубчиси

**Омон МАМАСОЛИЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига ҳамдардлик билдиради.

*Чунки, инсон ўзига ва ўз имкониятларига баҳо беришга қийналади.*

*Шундагина Тоҳир ўзини йиғиб олди. Синфдошининг онаси нега бунчалик қисди-бастига олиб, алам билан гапираётганига тушунди.*



# ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

## (Дам олиш саҳифаси)

## ЎЗИНГИЗГА ИШОНАСИЗМИ?

Барчамиз бу дунёдан мўъжизалар кутиб яшаймиз. Бу табиий. Зотан умр дея номлаганимиз — ушбу чексиз синовлар силсиласи, баъзида бизни шундай жумбоқларга рўпара қиладики, уларнинг ечимини топиш учун беихтиёр мўъжиза кутиб, тақдир инъомларини соғинамиз. Биз кутаётганимиз ўша мўъжизаларни, аксарият ҳолларда, илоҳий бир мурувват ўлароқ тасаввур қиламиз. Аслида эса, яйдоқ даштда ялангоёқ кетаётиб, мўъжиза туфайли оёғимизга тикан кирмаслигига умид қилишимиз ғалати бир ҳолдир. Зеро, бунинг учун оёқ остига қараб юришнинг ўзи кифоя қилади. Демак, у ёки бу муаммонинг ечимини ҳар доим ҳам юқоридан йўлланган инъомлар воситасидагина топишни кутмаслик лозим экан. Асосийси, биз ўзимиз ҳам, лоақал ўзимиз учун бўлса-да, мўъжизалар ярата олмоғимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи навбатда ўзимизга ишона билмоғимиз шарт. Адашмасам, шунинг ўзиёқ катта мўъжиза бўлади.

Хўш, Сиз ўзингизга ишонасизми? Бу саволга қатъий бир тарзда "ҳа" ёки "йўқ" дея жавоб қайтариш мушкул. Чунки, инсон ўзига ва ўз имкониятларига баҳо беришга қийналади. Айнан шу сабабли биз бугунги психотестимизда Сизнинг юқоридаги саволга холис жавоб қилишингизда ёрдам беришни ихтиёр этдик.

**1. Ўз ақлий даражангизни, атрофдагиларга нисбатан қандай баҳолаган бўлар эдингиз?**

а) ҳеч кимдан кам ҳам эмасман, ортиқ ҳам;

б) ўзимни кўпчиликдан ақллироқ деб биламан;

в) жавоб беришга қийналаман.

**2. Агар мутлақо оғриқсиз ва бепул йўл билан ташқи кўринишингизни ўзгартириш имконияти туғилса, ундан фойдаланармидингиз?**

а) албатта;

б) бунга ҳожат йўқ деб ўйлайман;

в) балки.

**3. Айтайлик, Сизга кутилмаганда севги изҳор этишди ёки**

### Психотест

**ишхонада (ўқишда) Сизни мукофотлашди. Бундан ҳайратга тушасизми?**

а) ҳа;

б) йўқ;

в) ҳайратланаман, бироқ ўша муҳаббат ёки мукофотга лойиқ бўлсам керак, деган фикр ҳам хаёлимда бўлади.

**4. Жуда қийин шароитларга тушиб қолганингизда кўпроқ нимага ишонасиз?**

а) ўзимга;

б) Аллоҳнинг марҳаматига;

в) ёр-биродарларнинг ёрдамига.

**5. Бир неча кун оилангиз (ишхонангиз ёки ўқиш жойингиз)да бўлмасангиз нима ўзгаради деб ўйлайсиз?**

а) ҳеч нима;

б) бир қанча саволлар тўпланиб қолиши мумкин;

в) кўплаб тушунмовчиликлар, муаммолар пайдо бўлади.

**6. Худо кўрсатмасину бошингизга бирон бир кулфат тушди (масалан, фалокат туфайли уйингиз ва мол-мулкингиздан жудо бўлдингиз) дейлик. Вазиятни қандай баҳолаган бўлардингиз?**

а) майли бўлар иш бўпти. Вақт ўтиши билан барисини яна қайтадан қўлга киритаман;

б) шўрим қуриди, пешонам шўр экан, энди хор бўлсам керак.

в) ёмон иш бўпти, энди нима қилсам экан?

**7. Бирон-бир ишни бошлай туриб...**

а) уддалай олармиканман деб қўрқаман;

б) охирига етказиш йўлларини бирма-бир таҳлил қиламан;

в) ўзимда ҳеч қандай ўзгариш сезмайман.

**8. Ушбу тест саволларига нима сабабдан жавоб беряпсиз?**

а) шунчаки, қизиқиш туфайли;

б) "ўзимга ишонаман?" — деган саволга жавоб олиш учун;

в) ўзимга ишонишимни ўзим учун исботлаш мақсадида.

Қуйидаги жадвал ёрдамида берган, жавобларингиз натижасида тўплаган балларингиз йиғиндисини ҳисоблаб чиқинг.

| № | а | б | в |
|---|---|---|---|
| I | 1 | 2 | 0 |
| II | 0 | 2 | 1 |
| III | 0 | 2 | 1 |
| IV | 1 | 2 | 0 |
| V | 0 | 1 | 2 |
| VI | 2 | 0 | 1 |
| VII | 0 | 1 | 2 |
| VIII | 2 | 0 | 1 |

Агар тўплаган балларингиз йиғиндиси 0 дан 4 гача бўлса...

Сиз ўз имкониятларингиз ҳақида деярли тасаввурга эга эмассиз. Ўз ўрнингиз ва баҳойингизни билмайсиз. Буларнинг сабаби ўзингизга ишонмаслигингиздадир.

Сизга маслаҳатимиз, ўз фазилатларингизни ривожлантиришга ҳаракат қилинг; ташқи кўринишингизга эътибор беринг, изланинг, одамларга керак бўлишга ҳаракат қилинг. Агарда юқоридаги шартларни бажарсангиз, атрофдагиларнинг ўзлари Сизда ўзингизга нисбатан ишонч ҳиссини уйғотиб қўйишади.

Агар тўплаган балларингиз йиғиндиси 5 дан 11 гача бўлса...

Сиз ўзингизга ишонасиз. Ўз имкониятларингиз ҳақида яхшигина тасаввурга эгасиз.

Маслаҳатимиз: ўзингиз ҳақидаги маълумотларингизнинг холислигини доимо назорат қилиб боринг, токи манманлик балосига гирифтор бўлиб қолмайсиз.

Агар тўплаган балларингиз йиғиндиси 12 дан 16 гача бўлса...

Сиз димоғдор кишисиз. Ўзингизга керагидан ортиқ даражада ишонасиз. Ўз имкониятларингизни жуда юқори баҳолайсиз. Вазиятларга баҳо бераётганда ўз кучингизга таяниб эмас, тасодиф ёки илоҳий марҳаматларга ҳам ишониб ҳукм чиқарасиз.

Маслаҳатимиз: ўз имкониятларингизни қайтадан чамалаб чиқинг. Ўшанда дунё сизнинг атрофингизда айланмаётганлигини англаб етсангиз ажаб эмас.

**Санжар НАЗАРОВ тайёрлади.**

## КУЗ

**Куз келди, либосин ечгандек дунё,**
**Барглар тўкилмоқда тангадек гўё.**

**Гоҳ ғир-ғир эсади кузнинг шамоли,**
**Келинчакдек ёмғир ёғар иболи.**

**Деҳқоннинг меҳнати қизир далада,**
**Сокинлик манзара бу куз паллада.**

**Осмонда турналар қўшиқ айтади,**
**Улар яна иссиқ юртга қайтади.**

**Дилрабо МАМИРОВА,**
**Бахмал туманидаги 29-мактаб ўқитувчиси**

4TV

**Халқаро телеканалда ҳар якшанба куни намойиш этилаётган "Инглиз тили Сиз учун" масофавий инглиз тили курсининг бешинчи дарс саволлари:**

**28 October**

1. What do you like to do in your free time?
2. Write about an experience in which you helped someone out of a passably dangerous situstion.
3. Give step-by-step instructions for preparing your favorite dish.

**4 November**

1. If you were to give a pet to your parents as a gift, what animal would you choose for them? Explain your choice.
2. Describe how you would feel if your brother or sister forgot your britdhay.
3. How would you cheer up a friend who was missing her family?

**Бизнинг манзил: Тошкент 700011, Навоий кўчаси-69, ТВ-4, "Инглиз тили Сиз учун" кўрсатувига ёки uztv-4@uzpak.uz электрон почтаси.**

# ТОЙ

## (ҳикоя)

Тоҳир нон олиш учун дўконга чиқди. Қараса, ҳали нон келмаган экан, бироз кутиб турди. Келавермади. Ўғил бола эмасми, ичи қизиб кетди. Ўзича ерда турган тошни бир тепиб юборди. Тош ҳам чувв этиб бориб, тўхтаб турган енгил машинанинг ойнасига тегди. Ойна қарсиллаб кетди. Тоҳир ҳанг-манг бўлиб, ранги оқарди. Бир зум нима қиларини билмай туриб қолди. Ёмон иш бўлди? Эгаси ким экан? Тутиб олса, энди нима қилади? Роса калтакласа, ойиси уни кўриб йиғлайди-да. Тоҳир қочмоқчи бўлдию шаштидан қайтди. Машина томон юра бошлаганди, дўкондан отилиб бир аёл чиқиб, у ҳам машина томон шоша-пиша кела бошлади. У башанг кийинган, халтаси тўла нарса. Машинани кўрдию ҳангу-манг бўлиб қолди. Дарз кетган олд эшик ойнасида тугмачадек тешик ҳам бор эди. Нима қиларини билмай унга яқинлашди. Орқа эшигини очиб халтани қўйди. Атрофга аланг-жаланг қиларди. "Ким бу ишни қилдийкин?"

Кимни тутадию кимдан тўлатиб олади. Атрофда сўрай деса одамлар ҳам кам. Барибир чидай олмади. Йиғлаб юборай деди. "Ким қилди!?" — деди у овози борича. Унга бор овози билан қичқиргандек туюлди. Аслида эса унинг овози ичидан чиқмаган, уни ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаган эди. Аёл жим туриб қолди. Бу орада Тоҳир аста-секин машина сари борарди. У ҳам аёлнинг олдида туриб қолди.

— Хола, мен... — деди у охири нима дейишини билмай, — мен билмай.

Аёл унга қаради. Ютинди.

— Мен билмасдан...

Тоҳир шундай дедию, бошқа гапира олмади.

Аёл боланинг кўзларига қаради. Бу тимқора кўзларда илтижо кўрди. Бирдан бу кўзлар ичидан яқиндагина видолашган ўғлининг аксини кўргандек бўлди. Юраги гупиллаб уриб кетди. Қўллари ўз-ўзидан унинг елкасига борди. Тоҳир аввалига чўчиб кетди. Елкамдан олса-я? У қўрқибгина аёлга қаради. Бу кўзларда у ҳам юмшоқлик кўрди. Ҳатто аёл кўзларида ёш кўринди. Тоҳир нима бўлаётганига тушунолмай қолди. Эҳтимол бу аёл ойнани Тоҳир синдирганини билмаётгандир.

— Хола, ойнани мен...

Аёл энди Тоҳирни бағрига босди.

— Майли, майли — у шундай дея ўпкаси тўлиб кетди, келган бало-қазо шунга урсин.

Тоҳир ҳамон ҳайрон эди, нега бу аёл койиш ўрнига уни бағрига олаяпти. Ё яна тушунмаётганмикин?

— Холажон...

Аёл гапиртирмади.

— Қаерда турасан? — сўради у секин.

— Ҳув анави уйда, — тўғриларидаги кўп қаватли уйни кўрсатди Тоҳир.

— Нечанчи хонадон.

— 45.

Аёл машина эшигини очиб, халта ичидан қоғоз қутичали шоколад олди.

— Чой ичинглар.

Тоҳир энди бунисига жудаям ҳайрон бўлиб қолди.

— Раҳмат, олмайман.

— Олақол, шуни егин. Сендек ўғлим, тақдир экан, пешонамга сиғмади. Сени кўрдиму эсим оғиб қолди.

— Ахир мен машинангизнинг ойнасини...

Аёл яна Тоҳирни гапиртирмади.

— Айтдим-ку келган бало-қазо шунга урсин деб.

Мана шу ерда кутилмаган воқеа юз берди. Осмондан тушдими, ердан чиқдими, нарироқдаги уйда турувчи синфдошининг онаси пайдо бўлиб қолди ва дабдурустдан Тоҳирга ёпиша кетди.

— Ҳа, ойнангизни синдирган шу зумраша, бундан на мактабда тинчлик бор, на кўчада. Қўйиб берсангиз, машинангизни олиб қочишдан ҳам тоймайди.

— Унақа деманг, боланинг яхшилигини рангирўйи айтиб турибди.

— Жудаям рангига ишонманг, ҳар ҳунарлари бор-ки...

— Сизга нима қилдим? — деб хафа бўлиб кетди Тоҳир.

— Хўш, нега бўлмаса, қизимнинг чўнтагидан живачкасини олиб қўйдинг?

— Ўзи сотмасин-да мактабда. Дарсда ўқитувчи кирсалар ҳам чапиллатиб сақич чайнайди.

— Ҳа, ўзлари сотишнинг уддасидан чиқмаганларига алам қилдими?

Аёл яна алламбалолар деб, Тоҳирнинг устига бостириб кела бошлади.

— Сен кўролмайсан, мактабга яхши кийим кийиб келганларни кўролмайсан, билдингми?

Бу гапдан Тоҳир нима дейишини билмай бўзрайиб қолди.

— Қўйинг, унақа деманг, уят бўлади, — деди машина эгаси.

— Вой, сиз буни билмайсиз. Бор бўлса кўролмайди, йўқ бўлса беролмайдиганлар шулар-да! — деди бодраб синфдошининг онаси.

Шундагина Тоҳир ўзини йиғиб олди. Синфдошининг онаси нега бунчалик қисди-бастига олиб, алам билан гапираётганига тушунди. Лобар деган синфдоши мактабга сотиш учун нарса олиб келгани бир сари, ҳар куни янги-янги кийим кийиб келавергани-чи? На ўқитувчи, на бошқаларнинг гапи қулоғига киради. Ҳамманики ҳам бир бўлдию, Тоҳирники ҳам бир бўлди. Тоҳир Лобарни роса уришди, "мақтанчоқсан" деди. Лобар уйига йиғлаб-йиғлаб кетди. Ойисига Тоҳирни чақиб берди. Унисига бу баттар алам қилди. Мактабига чиқиб бошқаларни пистапўчоққа жо қилишга ҳали улгурмаган эди. Мана, машина воқеасининг устидан чиқиб қолди. Хўп, аламидан чиқаяпти.

Машина эгаси Тоҳирни бағрига олди.

— Дугонажон, бола билмай қолган. Атайлаб синдирмаган.

Бир пасда синфдошининг онаси даъвогару, машина эгаси Латофат опа ҳимоячига айланди-қолди. Латофат опа қараса, ҳадемай атрофга одам тўпланиши ҳеч гап эмас.

— Қани, эгачи йўлингиздан қолманг! — деди қатъий.

Лобарнинг онаси дам Тоҳирга, дам Латофат опага қараб, "ҳеч нарса тушунолмаяпман" дегандек елкасини қисиб, орқага бир-икки қадам босди. Кейин... Тоҳирга кўрсаткич бармоғини "ҳали, шошмай тур" дегандек ўқтала-ўқтала нари кетди.

Латофат опа:

— Хафа бўлма, бу аёлнинг бир нарсадан жаҳли чиққанга ўхшайди, — деди. — Худо хоҳласа мен ота-онанг билан танишиб оламан. Борди-келди қиламиз.

Дўконга нон келиб қолди. Тоҳир дўкон сари йўл олди. Атрофга оби ноннинг хушбўй ҳиди таралди. Ҳайтовур одам ҳам кўп эмасди. У навбати етгач, бир нечта нонни олиб, елим халтасига солди-да, уйига югурди. У шодмиди, хафамиди. Нега уйига шунчалик чопиб кетяпти? Буни у уйида, ойиси, укалари олдида, нафасини ростлаганида ҳис этади.

**Яйра САЪДУЛЛАЕВА**

# "ШАҲАРЛАР" ВЕНГЕРЧА КРОССВОРДИ

**Ушбу венгерча кроссвордда жаҳондаги энг машҳур 100 та шаҳар номи яширинган. Сиз уларни биласизми?**





| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| С | А | М | Ш | А | Ь | Я | Г | И | Ё | Р | И | Л | И | Р | А | А | Р | А | М | А | М | Ю | Е | Н | Т | Д | Е | Й | Р | Л | О |
| Қ | Р | А | Х | Н | Т | С | О | Р | Д | Д | Д | Ҳ | Т | Е | Н | Қ | А | Н | Н | Р | Ғ | Н | Х | К | О | О | Ж | Е | О | Д | Н |
| А | Н | Д | А | Й | Н | А | А | Р | М | А | Д | Е | С | М | А | Б | Л | Я | О | Л | И | П | О | И | Р | И | А | Н | М | О | Н |
| Қ | О | Ҳ | И | У | С | И | М | Т | А | Н | А | А | Е | Ч | Н | Ю | Л | С | А | А | Н | А | Р | И | З | Р | Т | Е | А | А | Г |
| А | Р | И | Е | Р | А | Л | А | Н | Н | А | Р | Ф | И | Н | Й | О | К | А | Б | Л | К | Ж | И | Г | А | О | Т | Р | Д | А | Р |
| Т | Н | Т | В | А | А | Н | Я | И | У | В | И | А | Н | Ь | Ю | Р | К | Т | Е | Ҳ | А | Е | А | М | И | А | Н | С | С | И | Д |
| О | Е | М | К | Е | В | С | И | С | М | Б | Г | А | А | С | К | Г | Ь | М | О | Р | Н | Р | Л | А | Л | С | Ж | Е | Й | Е | Н |
| Ш | К | О | С | Р | Е | О | Ф | Т | А | У | Л | А | Г | Т | О | О | Л | Қ | Н | М | О | Ж | Ь | Н | Л | О | Е | Л | С | А | Н |
| Й | С | Б | К | Г | Е | М | Б | И | О | Д | А | М | Б | У | Р | Е | О | О | К | М | П | А | Ш | Т | С | И | З | А | У | А | П |
| О | Е | У | О | А | Н | Е | У | С | Б | Ж | Т | А | Ь | Э | Й | С | К | Б | У | У | У | З | А | Б | И | И | Х | Г | Л | У | М |
| Х | Н | Р | П | Г | Л | С | Р | Л | О | А | Р | Р | Л | Н | А | М | И | У | А | Л | Р | О | Р | И | Л | Р | Е | Р | К | К | А |
| А | Н | Г | Е | Н | Ю | К | Г | О | М | К | А | С | Е | О | С | Е | Х | Л | Л | А | Р | И | Ж | А | Ц | Ю | Б | С | А | Л | Ь |
| К | Г | О | М | К | А | М | А | А | Л | С | А | Б | У | П | Е | Д | Е | О | Й | Б | С | И | М | И | Д | А | Л | И | Э | Т | К |
| А | Р | Т | О | Н | Р | А | Д | И | Е | К | Н | К | Д | А | Ш | Т | Т | Р | Т | О | О | Ч | И | Ч | С | А | Л | Е | Б | Е | В |
| К | А | Х | О | Т | В | Ч | И | Н | А | С | Б | Т | П | Е | Р | К | И | А | Б | М | Б | Е | Г | А | М | Ч | И | К | П | А | Н |
| И | К | А | Б | Е | А | Д | У | Ц | Н | А | А | Н | Е | Т | Б | Г | Н | С | Е | Й | Л | Р | И | Н | А | А | К | Л | А | М | А |
| Е | В | С | И | В | Р | И | Х | Р | Д | А | Г | Д | А | Р | У | Р | Ш | А | К | И | И | Н | М | А | Й | Г | О | А | П | А | С |
| Г | Ж | Е | Д | С | О | Г | Я | И | А | В | Е | Р | Е | С | В | Д | Г | О | Л | Т | О | Т | А | Н | Я | И | М | С | Б | О | С |
| Л | Е | О | А | И | Н | О | О | Б | С | А | Б | И | Н | И | Е | А | О | Н | У | Л | У | У | Р | Т | И | Р | У | Е | Н | Н | Л |
| А | Н | Е | В | М | К | Ж | Д | И | В | Н | Л | О | Е | Л | Л | Р | В | Х | О | К | У | Д | К | А | Л | Б | Л | Р | Н | О | И |
| З | Г | О | Й | А | О | О | Д | Н | О | С | А | М | Д | И | Т | О | И | И | Ш | А | Т | Н | М | Б | О | Е | Р | И | Г | Е | Н |
| Д | У | Б | А | Г | Н | Н | О | Р | У | С | С | Е | Н | Н | Г | Н | Н | М | И | Н | М | А | А | Н | Ш | И | Н | Г | А | Я | У |





**Тузувчи: Умархон АБДУРАҲМОНОВ, Фарғона давлат университети талабаси**

## Xullas...

### БАХТЛАРИГА ИОН БОР ЭКАН...

Ирина ва Наталья Молдавиянинг Бельц уездига қарашли қишлоқ кўлига чўмилиш учун тушар эканлар, сув уларни ўз домига тортиб кетишини хаёлларига ҳам келтиришмади. Кўл саёз бўлса керак, деб ўйлашганди дугоналар, ажабтовур чуқургина экан. Ўртароғига боришганида, қизлар ўзларини бошқаролмай қолишди. Қирғоқда уларни кузатиб турган Ион Кадрян деган йигитча, ўзини сувга отди.

Ионнинг сузишни пухта билиши иш берди. У кўлдан иккаласини бирваракайига олиб чиқишга қийналиб, навбати билан қутқарди ва уларга биринчи зарурий ёрдамни кўрсатди.

Шундай қилиб, Копэчен қишлоғида дув-дув гап: Ирина ва Наталья сувга чўкмай омон қолишибди. Бунинг учун улар ўзларини қутқарган Ион Кодрянга қайта-қайта миннатдорлик билдираётган эмиш.

Ҳа, бу қизлар учун Ион ота-онасидан кейинги энг азиз одам бўлиб қолса керак. Ахир бу воқеа ўлиб туғилиш билан баробар-да.

### СОВУН ИЧИДА... БРИЛЛИАНТ

Бойлар вақт келса, қашшоқлашади, аксинча, камбағаллар бир кун келиб бойиб кетади, деган гап кўп мароталаб ўзининг исботини топиб келган. Мана, бунга бир мисол.

Густав Вальфин — Швециянинг қайсидир шаҳарчасида яшайдиган қашшоқ киши бўлиб, кўл учида зўрға кун кўрарди.

Кунларнинг бирида мўъжиза рўй берди. Душга чўмилиш учун кирган Густав кўкрак ва елкаларини совун билан ишқар экан, нимадир баданига қаттиқ ботди. Қарасаки, совун орасида жиндек ялтираган шишача. У шошиб қолганидан терисининг бир-икки жойи шилиниб кетганига парво ҳам қилмади. Шиша шу қадар ялтиллар эдики, Густавнинг кўзлари қамашди. Топилмани қуёш нурига тутиб кўрган Густавнинг бу қимматбаҳо тош эканлигига заррача шубҳаси қолмади.

Ўйлаганидек бўлиб чиқди: шиша 25 қиротли бриллиант экан. "Свенска Дагбладет" газетасининг хабарига кўра, Густав ана шу бриллиантни тегишли жойга топшириб, эвазига 185 минг доллар олишга муваффақ бўлган.

Совун ичига бриллиант қандай қилиб ва нима мақсадда жойлаштирилган, бу ёғи эса жумбоқлигича қолди.

### РАШК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Чистопол шаҳар судида одатдаги, яъни ажрашган эр-хотинларнинг янги можароси?

Гап шундаки, суднинг ажрим қароридан сўнг, улар битта хонадонда, аммо алоҳида хоналарда яшашарди. Хотинининг кимлар билан телефонда гаплашиши эрини қизиқтира бошлади. Бошқача айтганда, рашк туйғуси унга тинчлик бермасди. Устабузармон дўстларидан бирининг кўмаги билан у ҳам ўз хонасига телефондаги мулоқотни узатиб берадиган минирадиоприёмник ўрнатиб олди. Мана, энди ҳаммасини аниқтиниқ эшитиш мумкин.

Аммо ясама прибор ўрнатилганини сезиб қолган аёл зудлик билан милицияга қўнғироқ қилиб, даъво аризасини ёзиб берди. Бу ёғи ўзингизга маълум. Хуфя равишда телефон орқали ахборот "ўғирлагани", бунинг устига хотини билан ажрашгани учун ҳалиги эркакка нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Бу рашкданми, нафратданми, сиртдан қаровчиларга маълум эмас, ҳар қалай "шпион"лиги учун эркак тегишли жазосини оладиган бўлди.

**ana shunaqa gaplar**

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

*Таҳрир ҳайъати:* Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-1028.
Тиражи 23316 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир:
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи:
Давронбек ТОЖИАЛИЕВ.

*«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими—136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00